O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 25 СЕНТЯБР, сешанба
№ 39 (243)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Огоҳликка даъват

КЕЛАЖАКНИ ОЛДИНДАН КЎРИШ САЛОҲИЯТИ

Кишилик тарихи — бу жаҳон халқлари курраи заминимизда тузган маданий давлатлар тарихи ҳамдир. Ҳар бир давлатнинг туб мақсади ўзини тузган халқнинг Ер юзида сақланиб қолиши, бардавом яшаши ва дунё турганча туриши, фуқароларнинг тинч-омон умр кечириши, мамлакатнинг обод ва фаровон бўла бориши, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини узлуксиз таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун давлат бошлигининг сиёсий ҳушёрлиги ҳамда узоқни кўра олиш салоҳияти, шундан келиб чиққан ҳолда огоҳликка даъват этиб туриши ва шу рухда тарбиялаш борасида чора-тадбирлар кўриши зарур.

Муҳтарам Ислом Каримов мамлакатимизга раҳбарлик қила бошлаган дастлабки кунларданоқ бу масалага жиддий эътибор бериб, уни ҳамиша диққат марказида тутиб келмоқда. 1997 йили чоп этилган **"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"** китобида шу масалага алоҳида тўхталиб, республикамиз ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу борада амалга оширилиши зарур бўлган жиддий ва долзарб вазифаларга қаратган эди.

Шундан бери орадан тўрт йил вақт ўтди. Китобда илгари сурилган ғоялар нақадар ҳаётийлиги, ўз вақтида ва ҳатто, айтиш мумкинки, вақтдан ўзиб, келажакни кўра олиб билдирилганлиги тобора аёнлашиб бормоқда. Асар кўпгина хорижий тилларга, шу жумладан, халқаро тилларга ҳам таржима қилинди. Мазкур китоб муаллифи сиймосида Ўзбекистонимиз ва халқимизни чет элларда ҳам кенг танишмоқда. Буни қарангки, **"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"** китоби АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида мудҳиш террорчилик содир этилиши арафасида жаҳон тамаддунининг бешиклидан бири бўлмиш кўҳна Юнонистонда — Суқрот, Афлотун, Арасту ва Ҳомерларнинг ватанида грек тилида нашр этилди, халқаро ҳамжамият олдида турган замонамизнинг умумбашарий муаммолари қай даражада долзарб ва кечиктириб бўлмаслигини яна бир бор ёркин намойиш қилди. Греция жамоатчилиги ҳам Президентимизнинг асари мисолида нафақат мамлакатимиз, шу билан бирга бутун минтақада содир бўлаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш учун яна бир имкониятга эга бўлди. Бу китобнинг Афина шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Грециянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралари, мамлакат оммавий ахборот воситалари, Афинада аккредитация қилинган дипломатия корпуси вакиллари иштирок этдилар, бир қатор нуфузли арбоблар сўзга чиқишди. Греция ҳукумати номидан сўзга чиққан Греция Тараққиёт вазирлигининг давлат котиби Д.Калудиотис ўз нутқида, жумладан, бундай деди: **"Мен Ислом Каримовнинг мазкур китобини ўқиб чиқдим ва глобаллашув даврида кўпгина мамлакатлар, хусусан, уларнинг етакчилари янги воқеалар, ўзгаришлар билан боғлиқ, шунингдек, хавфсизлик, ривожланиш ва ҳамкорликка алоқадор масалаларни муҳокама қилишаётганини тушундим. Ўзбекистон Президентининг ушбу китоби юқоридаги масалалар юзасидан чуқур маъноли жавобларни ҳамда дунё тарихининг ҳозирги тез ўзгарувчан даври юзасидан қимматли тавсияларни беради".**

Дарҳақиқат, худди шундай.

Чиндан ҳам, Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"** китоби яхлит стратегик концепция ифодаланган асардир. Маълумки, ёвузликнинг, террорчиликнинг миллати бўлмайди. Бу нарсалар дахлсиз деб ҳисобланувчи давлат чегараларини ҳам тан олмайди. Қаерда иложини топса, томир ёяверади. Террорчилар уюшган ҳолда иш кўришни энг қулай усул деб биладилар, шунда жон сақлаш имкониятга кўпроқ эга бўладилар. Ислом Каримов ана шу оддий ҳақиқатдан келиб чиқиб, китобида жумладан, бундай деб ёзади: **"Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бирбирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар".**

Муаллиф бу асарида чет эллик давлат арбоблари ва жаҳон жамоатчилигининг диққатини тобора кучайиб бориши кутилаётган халқаро террорчиликка жиддий муносабатда бўлишликка, ҳушёрликка қаратган. Афсуски, жаҳон сиёсатида етакчи ҳисобланувчи кучли давлатларнинг бошлиқлари Ислом Каримовнинг бу даъватига ўз вақтида етарлича эътибор қаратмадилар.

1999 йилнинг 18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга сўз берилди. Юртбошимиз бу чиқишида учта жиддий фикрни — учта долзарб таклифни муҳокама учун ўртага қўйди. **Биринчиси,** халқаро террорчилик наркобизнес ҳисобига тобора моддийлашмоқда, бундай моддийлашув жараёни ниҳоятда хавфли, унинг олдини олиш керак. **Иккинчиси,** халқаро террорчилик инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан маҳв этади, инсониятни наслан бузилишига олиб бориши мумкин. Президентимизнинг **учинчи** таклифи шундан иборат: **"Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин кўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим."**

Афсуски, халқаро террорчиликка қарши кураш маркази ўз вақтида тузилмади.

Жаҳон афкор оммаси террорчиликка қарши кураш маркази тузиш масаласини кечиктириб бўлмаслигини қалбан ҳис этаётгани тобора аён бўлиб бормоқда. Бинобарин, Ўзбекистон сўзи Президент Ислом Каримов сиймоси ва фаолиятида ҳамда мустақил давлатимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган ташқи сиёсати мисолида халқаро миқёсда ўз қадрига эга бўлмоқда, жаҳон тараққиётига муносиб таъсир кўрсатмоқда, халқаро террорчиликнинг илдизига болта уришдек эзгу ишга хизмат қилмоқда.

А. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ўзининг буюк алломалари, бетакрор санъати ҳамда маданияти билангина эмас, балки ноёб обидалари, осори атиқалари билан ҳам жаҳонда ўзига хос ўрин тутади. Мустақиллик йилларида айниқса, ҳеч қандай бойликларга алишиб бўлмайдиган ана шундай маънавий-маърифий бойликларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу йилнинг август ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги

Қонун ҳам халқ маданий меросини муҳофаза қилиш ва янада бойитиш йўлидаги катта воқеа бўлди. Дунё нигоҳини ҳамиша ўзига қаратиб келган халқимизнинг шон-шуҳрати, салоҳиятини намоён этиб турувчи тарихий дурдоналар тўғрисида қабул қилинган янги қонун барчани бирдек қувонтиргани шубҳасиздир.

Эндиликда ушбу қонунга кўра маданий мерос объектлари, ёдгорликлар, ансамбллар ва бошқа диққатга сазовор жойлар асраб-авайланади, таъмирланади, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

O'ZBEKISTON — кеча, бугун, эртага

26-28 сентябр кунлари Тошкентда ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтади. Унда Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдан ўн бешга яқин давлат, шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

* * *

Тошкентда қўрғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги бўйича илмий тадқиқотлар халқаро марказининг (ИКАРДА) Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари бўлими бешинчи минтақавий мувофиқлаштирувчи кенгаши иш бошлади.

* * *

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрига "Миллий театр" мақомини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Қўқондаги "Механика заводи" ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган "Фақел" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида тайёрланган дастлабки маҳсулот сифатига россиялик буюртмачилар юқори баҳо берди.

Адлия тизими

Акционерлик жамиятлари бизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз учун янгилик бўлса-да, айтиш мумкинки, улар иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос салмоқли соҳаларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ҳуқуқий ўқув машғулоти ана шу мавзуга бағишланди.

Унда бу соҳадаги қонунларнинг ўзига хослиги, уларни турмушга татбиқ этиш жараёни қандай кечаётганлиги, мазкур жамиятларнинг салоҳиятини ошириш учун нималар қилинмоғи кераклиги ҳамда соҳага доир қонунларни янада такомиллаштириш хусусида сўз борди.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 21 та нотариал идора фаолият кўрсатмоқда. Улардан 16 таси давлат нотариусларидир. 2001 йилнинг 8 ойи мобайнида давлат нотариуслари томонидан 26443 та нотариал ҳаракат амалга оширилиб, 96 млн. 770 минг 886 сўм миқдорида давлат божи ундирилган.

Вилоят ҳудудида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 5 та нотариус мавжуд. Улар Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Қизилтепа ва Хатирчи туманларида фаолият кўрсатмоқда.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан ўтган давр мобайнида 13734 та нотариал ҳаракат амалга оширилиб, 86 млн 527 минг 427 сўмлик давлат божи ундирилган.

Навоий вилоятидаги 11 та ФҲДЁ бўлимларида 2001 йилнинг 8 ойи мобайнида 19701 та фуқаролик ҳолати қайд этилди. Буларга 9073 таси туғилиш, 4722 таси оталикни белгилаш, 189 таси фарзандликка олиш, 3087 таси никоҳ, 191 таси никоҳдан ажралиш ҳолати киради.

«ИНСОН ВА ҚОНУН»ГА...

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан газетанинг 2001 йил 17 июл сонидаги **"Қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди..."** сарлавҳали мақолада кўтарилган масала ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Мирзаобод туманидаги "Гулистон" (раиси Б.Аноркулов) фермер хўжалиги туман ҳокимининг 1998 йил 31 декабрдаги 274-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, ширкат хўжалиги ҳудудидан деҳқончилик қилиш учун 109 гектар ер майдонига тўлиқ пахта экиш режалаштирилиб, Бахт пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан 283 тонна пахта хомашёси етиштириб бериш тўғрисида шартнома тузган. Завод томонидан пахта етиштириш учун берилган аванс маблағларининг барчаси ўзлаштирилиб, йил якуни бўйича ҳар гектаридан 2 центнердан 22,4 тонна пахта етиштирилган.

2000 йили фермер хўжалиги раиси Б.Аноркулов ажратилган 109 гектар ер майдонидан ўз аризасига асосан 49 гектарини "Оқ-олтин" ДФХБга қайтариб топширган. Қолган 60 гектар ер майдонига пахта экишни режалаштириб, "Бахт" пахта тозалаш заводи билан 45 тонна пахта хомашёси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган. Бунинг учун берилган аванс маблағларини тўлиқ олиб ишлатган. Аслида хўжалик маблағи етишмагани сабабли 60 гектар ернинг 30 гектарига пахта эккан. Бу майдонларга ҳам чигит кеч экилгани ва ишлов берилмагани сабабли униб чиқмаган. Натижада шартнома шартлари бажарилмасдан қолган.

Булар туфайли хўжалик 1999-2000 йиллар давомида 4,5 млн сўм зарар кўрган.

2001 йили фермер хўжалигига ажратилган 60 гектар ер майдонига белгиланган тақсимотга асосан "Оқ-олтин" ДФХБ томонидан ғалла экилиб, шартнома шартлари ошиғи билан бажарилган.

Фермер хўжалиги раиси Б.Аноркуловнинг 1999-2000 йиллар давомида ажратилган ер майдонидан **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонунга зид равишда, самарасиз, хўжасизларча фойдаланганги, шартнома шартларини бажармагани, 2001 йилги ҳосили учун ғалла экиш компаниясида қатнашмагани ҳисобга олиниб, туман ҳокимининг 5.02.2001 йил 31-сонли қарори билан тузилган фермер хўжаликларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг хулосасига асосан туман ҳокимлиги ушбу фермер хўжалигининг 60 гектар ер майдонини "Оқолтин" ДФХБ га қайтариш тўғрисида 26.02.2001 йилда 42-сонли қарор қабул қилган.

Туман ҳокимининг ушбу қарори **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 32 ва 33–моддаларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли Мирзаобод туман прокурорининг протести билан бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилган, яъни тарафларга ер участкаларини ижарага бериш ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда хўжалик судига даъво қўзғатиш билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги тушунтирилган.

Шунга қарамасдан "Оқ-олтин" ДФХБ раҳбарияти фермер хўжалигидан 60 гектар ер майдонини қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжатларни нотўғри расмийлаштириб, қонунга зид равишда олиб қўйгани сабабли вилоят хўжалик суди томонидан қарор бекор қилиниб, 60 га ер майдони ва 2001 йилда ғалладан олинган фойда "Гулистон" фермер хўжалигига қайтарилиши тўғрисида қарор чиқарилган.

Бундан фойдаланган "Гулистон" фермер хўжалиги раиси Б.Аноркулов 2001 йилда 60 га ер майдонидан "Оқ-олтин" ДФХБ ғалла етиштирган олинган даромадни қўлга киритиб, 2001 йилнинг август ойида фермер хўжалигини ёпиш тўғрисида туман ҳокимига ариза берган. Ҳозирги пайтда ушбу ариза ҳокимликнинг ишчи комиссиясида кўриб чиқилмоқда.

А.ШАМСИҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси

ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР

Биз, фермер хўжаликлари 2001 йилги пилла, ғалла режаларини ортиғи билан бажариб, пахта йиғим-теримини ҳам бошлаб юбордик. Пахтани ёғин-сочинга қолдирмай териб, юқори сортларга сотсак, қилган харажатларимизни қоплаб, фойда билан чиқишга имкон бўлар эди. Лекин биз қанчалиқ уринмайлик, натижа бўлмаяпти. Яъни ҳар 5 кунда ҳисоб-китоб қилинадиган пахта терими пулини ўз вақтида ололмаяпмиз.

Бундан ташқари, терилган пахтани ўз вақтида заводга етказиш учун ёқилғи етишмайди. Биз оқ-олтинлик фермерларнинг аксарияти Сирдарё нефтбазасидан ёқилғи оламиз. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ёқилғи тарқатилади. Бир кун вақтимизни ёқилғи олишга ажратиб, ҳамма ишимизни ташлаб, Сирдарёга йўл оламиз. Лекин кечгача туриб, бор-йўғи 200, нари борса, 400 литр ёқилғи оламиз.

Ҳозир иш энг қизиган паллада бу ёқилғи неча кунга етишини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг?!

Бугун биз, фермерларнинг йўлида ана шундай муаммолар кўндаланг турибди. Бу муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Сизлардан илтимос, пулимизни, ёқилғимизни ўз вақтида олишимизга ёрдам берсангизлар.

Бир гуруҳ фермерлар номидан:
К. МАМАНАЗАРОВ,
У.ХУДОЙНАЗАРОВ

ЖАҲОЛАТ ХУРУЖИ

Ақл ҳаммавақт жаҳлни енгиш орқали намоён бўлган. Маърифатни — ақл, жаҳолатни — жаҳл рўёбга чиқаради. Дунё ҳамиша ана шу икки куч ўртасидаги курашдан иборатдек ҳам туюлади.

Бироқ жаҳолатни маърифат орқали енгиш мумкин. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов **"Жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашмоқ"** ғоясини ўртага ташлаганда шуни кўзда тутган. Бу кураш абадий давом этади. Фақат шуниси борки, жаҳолат замонлар ўтиши билан ўз кўринишини ўзгартириб бораверади.

Терроризм ҳам шундай. У сўнгги даврларда халқаро хавфга айланди. Халқаро терроризм — башарият асрлар мобайнида эришган тамаддунга, яъни цивилизацияга тамоман зид ҳаракат. Шу йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида рўй берган даҳшатли хуруждан кейин халқаро терроризм бугун умумбашарият учун катта кулфат бўлганлигини назаримда, бутун олам билди.

Биз ўзбекистонликлар учун терроризмнинг қандай ёвуз куч эканини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари бир неча бор жаҳон жамоатчилиги, хусусан, бошқа давлатлар раҳбарларини бундай инсоният тараққиётини орқага суришга қаратилган ваҳшийликка қарши биргалашиб курашга чорлаган эди. Энди эса мана, Ўзбекистон Президенти АҚШ президенти билан телефо орқали мулоқот қилиб, террорчиларга қарши биргаликда курашиш масалаларини муҳокама қилди.

Афкор омма шуни яхши англаб етиши керакки, АҚШнинг халқаро терроризмга қарши курашга чоғланаётганини ислом оламига, мусулмонларга қарши кураш деб тушуниш мумкин эмас. Чунки террорчиларнинг бу мудҳиш ҳаракатлари билан муқаддас ислом дини орасида ер билан осмонча фарқ бор. Террорчилар учун ислом бир ниқоб, холос. Улар учун ислом ноҳалол сиёсий курашлари йўлидаги шунчаки воситадан бошқа нарса эмас.

Ахир, АҚШдаги бу жоҳиллик оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Улар кимнингдир отаси, онаси, акаси, укаси, опаси, синглиси, кимнингдир жигарбанди — фарзанди эди. Бу фожиа яна қанчадан-қанча одамларнинг қалбини доғлайди.

Айтинг, бундай ваҳшийлик қайси динда бор?!

Халқаро терроризмга қарши кураш икки йўл билан олиб борилиши керак. Биринчиси шуки, қандай йўл билан бўлмасин, ер юзидан охирги террорчигача йўқ қилиниши лозим. Иккинчиси, одамзод шундай тарбия билан шуғулланиши лозимки, бундан буён ҳеч кимнинг фарзанди террорчи бўлиб вояга етмасин.

Зиёда ҒАФФОРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси

Конституция ва биз

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўн бешинчи сабоқ

Мамлакатимизда умумбашарий демократик тамойилларга ҳар жиҳатдан уйғун келадиган фуқаролик жамияти шакллантирилмоқда. Бизда инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Бошқача айтганда, давлат идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак. Мантиқий хулоса шуки, мамлакатимизнинг бу борада танлаган йўли халқаро меъёр ва андозаларга, шу жумладан, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"га монандир. Навбатдаги сабоғимиз Бош қомусимизнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси билан муштараклиги ҳақида бўлиб, уни юридик фанлари номзоди Абдусалом НОРБОЕВ шарҳлайди.

Маълумки, жаҳонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 70 дан зиёд андоза (стандарт)лар қабул қилинган бўлиб, улар орасида БМТ томонидан қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" алоҳида ўрин тутади.

Мазкур Декларация эълон қилингандан буён БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик, сиёсий ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш, жазолашнинг шафқатсиз, инсон қадр-қимматни камситувчи турларига қарши кураш, ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш, меҳнатни ва иш ҳақини ҳимоя қилиш, эркак ва аёллар учун тенг имкониятлар яратиш, қишлоқ хўжалигида меҳнаткашларнинг уюшиш ва бирлашиш ҳуқуқини таъминлаш, иш вақтини (ҳафтада 40 сотагача) қисқартириш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш сингари пакт ва конвенциялар шулар жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатлар суверенитетини тан олиш каби талаблар республикамизнинг ташқи ва ички фаолияти мезонларини ташкил этади. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини юритишда, бошқа давлатлар қатори, 1993 йилги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бутунжаҳон конференцияси қарорларига амал қилиш мажбуриятини олган.

Халқаро майдонда Ўзбекистон дунёнинг кўп мамлакатлари билан инсон ҳуқуқлари масаласида ҳамкорлик қилмоқда. БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган давлатимиз бу соҳага тааллуқли халқаро декларация ва шартномаларни қўллаб-қувватламоқда. Республикамиз жуда қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг иштирокчиси сифатида шундай шартномаларнинг қирқдан ортиғига имзо чекди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқ, болалар ҳуқуқи ҳақидаги конвенция, ярадор ва касалларга ғамхўрликни яхшилаш, аёлларни ҳар қандай камситиш кўринишларини тугатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсат ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу билан бирга республикамиз 1993 йилнинг 27 ноябрида Париж хартиясига имзо чекди. 1996 йилнинг апрелида эса давлатимиз БМТга инсон ҳуқуқлари бўйича қилинган ишлар ҳақида маърузасини тақдим этди. Ўзбекистон ҳукумати 2001 йил 25 январ—2 феврал кунлари БМТнинг "Ҳотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги конвенция қоидалари ижроси юзасидан ҳисобот берди. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятида иштироки, айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда фаоллик кўрсатиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш анжуманларида қатнашиши муҳим сиёсий воқеалар бўлиб, Ватанимизнинг халқаро обрўси ортиб бораётганидан далолатдир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти дунё давлатлари учун жуда муҳим мунозара минбари бўлиб, бу минбардан дипломатия ва инсон ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида фойдаланилади. Ўзбекистон бу ташкилотга 1992 йилнинг январида аъзо бўлиб кирди ва унинг Прагадаги иккинчи мажлисида қатнашиб, Хельсинки шартномасига қўшилганлигини тантанали эълон қилди.

Конституциямизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"га ҳамоҳанглиги диққатга сазовордир. Бош қомусимизнинг кириш қисмида умумжаҳон тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги акс этган. Декларациянинг биринчи ва иккинчи моддасида "ҳамма одамлар ҳуқуқ ва ҳурмати жиҳатидан тенг ва эркин бўлиб, ҳеч қандай фарқсиз туғиладилар", деб таъкидланади. Ушбу қоидалар Конституциямизнинг 18-моддасида ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг 24- ва 25-моддалари Декларациянинг учинчи моддасига мос келади. Унда шахснинг дахлсизлиги, озодлиги ва яшаш ҳуқуқлари баён этилган. Декларациянинг 5- ва Конституциямизнинг 26-моддаларида шахснинг қадр-қимматини ерга урувчи ёки ноинсоний шафқатсиз қийноқлар ман этилиши ёзиб қўйилган.

Конституциямизнинг 27-моддасида: "Ҳар ким ўз номусига, қадр-қиммати тажовуз қилинишдан, шахсий ҳаётига аралашувдан қўриқланишга ва яшаш жойи дахлсизлигини ҳимоя қилинишига ҳақлидир" деб қайд қилинган. Худди шу моддада яшаш жойига рухсатсиз кириш, рухсатсиз тинтув ўтказиш, ёзишмалар ва телефон гаплашувлари сирини очиш ҳам ман этилган. Бу эса Декларациянинг 12-моддасига мувофиқдир. Мулкдор бўлишлик ҳуқуқи Декларация ҳамда Конституциямизнинг 17- ва 36-моддаларида ифодаланган. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи эса 22- ва 39-моддаларида ўз аксини топган. Конституциямизнинг 37-моддасидаги қоидалар Декларациянинг 23- ва 24-моддаларига мос бўлиб, уларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароити, пул тўланадиган меҳнат таътили ҳуқуқлари ифода этилган. Ҳар бир одамнинг эркин равишда илмий ва техник ижод билан шуғулланиш ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 42-моддасида баён этилган бўлиб, ушбу қоида Декларациянинг 27-моддасида ўз аксини топган.

Конституциядаги инсоннинг оила ва никоҳ борасидаги ҳуқуқларининг аксарият қоидалари ҳам Декларация қоидаларига уйғунлашган. Масалан, Конституциямизнинг 63-моддасида ва Декларациянинг 16-моддасида оила жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади.

Ушбу қиёслар Конституциямизда инсоннинг барча асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганини яққол кўрсатиб турибди. Зеро, бугунги кунда инсоният олдига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлашдек долзарб вазифа қўйилган.

Фуқароларимиз ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришлари учун аввало, Конституциямизни яхши билмоқлари жоиз. Конституцияни билиш — Инсон ҳуқуқларининг муқаддаслигини англаш демакдир. Зотан, Бош қомусимизнинг қанчалик инсон парварлик ғоялари билан суғорилгани, кучли сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий қудратга эга эканлигини унинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига муштараклиги ҳам кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқаролари — жинси, ирқи, миллати, тили, дини, келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар, қонун олдида тенг, эркин ва бир хил ҳуқуқларга эгадир.

18-модда

КИМ ЗЎР?

ёки Наманган шаҳрида бир тадбиркор йўлига қандай қилиб ғов қўйилаётгани ҳақида

Бундан бир йилча муқаддам Наманган — Тошбулоқ катта йўлининг шаҳардан чиқиш жойида ташландиқ майдон бўлар эди. Унинг бир томонида озиқ-овқат дўкони ҳам жойлашганди. Узоқ йиллар "Ностегирмон" даҳасининг Қўқон кўчасидаги бу майдон ҳеч кимнинг эътиборини тортган эмас. Фақат 2001 йилнинг январ ойида "Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи Сайдулло Нурматов кўчадан ўтиб борар экан, даҳага доғ бўлиб турган ана шу майдонга яна бир бор кўз ташлади. "Автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси қуриб, ушбу жойни обод қилсам, аҳолига хизмат кўрсатсам қандай бўларкин? Қолаверса, шахобчада бир неча киши учун иш ўрни очилади," — дея кўнгилдан ўтказди у.

Бу ўй унга куч берди ва у тадбиркорликни ҳавас қилиб, "Нурмуҳаммад ота" фирмасини очишга киришди.

— Касбим нефт маҳсулотларини сотиш бўлганлиги сабабли маҳалламиздаги ташландиқ майдонда автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчасини қуришни мақсад қилган эдим. Лекин адашган эканман, —деди биз билан суҳбатда тадбиркор Сайдулло Нурматов.

— Нега ундай дейсиз? — дея сўраймиз ундан.

— Тадбиркор бўлиш, ишни йўлга қўйиш жуда қийин экан. Буни бошидан кечирган одам билади. Ҳар қадамда қаршиликларга учраб турсанг, ҳар қандай одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлар экан...

Сайдулло Нурматов ундай дея юрагини очди. Дастлаб у қалбида уммондек жўш ураётган орзу-ниятини "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Неъматуллаевга айтган. Албатта, маҳалла оқсоқоли унинг ташаббусини маъқуллади. Шундан кейин у Наманган шаҳар ҳокими М.Тожибоевга "Маҳалланинг Ностегирмон даҳасидаги ташландиқ бўлган бўш ерга хусусий тадбиркор С.Нурматов томонидан автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси қуриб, фойдаланишига маҳалла фуқаролар йиғини маъмурияти қарши эмас" деган мазмунда 26-сонли билдиргини йўллади. Бундан сал олдинроқ шаҳар ҳокимлиги тадбиркорнинг аризасига мувофиқ, кўрсатилган жойга АЁҚШ қуришга рухсат этилишини сўраб, вилоят ҳокимлигига мурожаат қилган эди. Ана шу мурожаатномага вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Фозилов имзоси билан олинган жавоб хатида "Вилоят ҳокимлигининг архитектура ва қурилиш бошқармасининг 2001 йил 7 февралдаги 01/8-4, "Наманганнефтмаҳсулот" шўъба унитар корхонасининг 2001 йил 20 февралдаги 01/09-164 сонли хатларини ва "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси розилигини инобатга олиб хусусий тадбиркор С.Нурматовга нефт ва нефт омборларини қуриш КМК 2.02.19-97 нинг қоидаларига мос бўлган ва ўрнатилган асбоб-ускуналар жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб берган тақдирда, янги АЁҚШ шахобчасини замонавий усулда қуришга юридик шахс мақомини олиш шарти билан рухсат берилади", — деб ёзилган эди.

Иккинчи томондан тадбиркорнинг мурожаати билан шаҳар ҳокимлигининг "ер майдони ажратиш иши бўйича доимий ишловчи" комиссияси ҳам изчил шуғулланди. Дарвоқе, мазкур комиссия таркибига шаҳарда фаолият кўрсатаётган 17 та ташкилотнинг вакиллари киритилган эди. Нимасини айтасиз, нуфузли комиссия аъзолари АЁҚШ қуриш жойини обдон ўрганишди, шаҳар ҳудудидаги ташландиқ жойга айланган 577 квадрат-метрга тенг майдон тадбиркорга АЁҚШ қуриш учун ажратиб бериш тўғрисида ҳам далолатнома ҳам тузишди. Сўнг комиссия аъзолари ушбу далолатнома тасдиғини шаҳар ҳокимидан сўрашни тавсия қилиб, унга имзо чекдилар.

Шу йилнинг 12 июн куни шаҳар ҳокими вилоят ҳокими ўринбосарининг юқоридаги хати ва шаҳар ҳокимлигининг "ер майдони ажратиш иши бўйича доимий ишловчи комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб "Нурмуҳаммад ота"кўп тармоқли хусусий фирмасига АЁҚШ қуриш учун вақтинча ер ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда далолатнома тасдиқланди, ажратилган ер майдони 577 кв. метрга тенглиги кўрсатилди. Шаҳар ер ресурслари бошқармасига тадбиркорга ана шу ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаб бериш ва ерни баланса олиш, хусусий тадбиркорга эса АЁҚШни шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси лойиҳа кўрсатмаси асосида қуриш, қурилишга оид тегишли ҳужжатларни мутасадди идоралар орқали расмийлаштириш ва шаҳар давлат солиқ инспекциясига фирмадан белгиланган тартибда солиқни ундириб бериш топширилди.

Қаранг, бир қарашда ҳамма ишлар рисоладагидек енгил кечаётганлигига ҳатто кишининг ишонгиси келмайди. Тадбиркор С.Нурматов ҳам шаҳар ҳокимининг ушбу қарорини олгач ўзини қўшдек енгил хис этди. Унинг назарида, энди ҳамма нарса ҳеч бир қийинчиликсиз, оппо-осон ҳал бўлгандай, ҳадемай АЁҚШ қурилиши бошланиб кетиши муқаррардек туюлган эди. Афсуски, ҳаммаси, у ўйлагандай бўлиб чиқмади, кутилмаганда барчаси тескарисига ўзгариб кетди. Энг аввало АЁҚШ қурилиши лойиҳасметасини тайёрлаш чўзилиб кетди. Тадбиркор С. Нурматов дастлаб бу ҳужжатни тайёрлаб беришни сўраб, муттасадди идора — вилоят архитектура бошқармаси бошлиғи Ш.Қўчқоровга мурожаат қилган, ўз навбатида у икки кўлини кўтариб, тадбиркорни қўллаб-қувватлаган эди. Бунинг исботини Ш.Қўчқоровнинг вилоят ҳокимлигига мазкур қурилишни эътиборга моликлигини билдириб ёзган хатида ҳам кўриш мумкин. Тадбиркорнинг мурожаатидан сўнг Ш.Қўчқоров ишга енг симариб киришди. У ҳатто АЁҚШ қурилиши мўлжалланган жойга ўз вакилини юборди. Вакил Дилшод Жўматоев майдонни ҳар томонлама ўрганиб у шахобча қуриш учун қулай эканлигини тасдиқлаб берди. У ўз кўрган-кечирганларини тасдиғи тариқасида бошлиққа ёзма равишда ижобий тавсиянома ҳам берди. Ҳаммаси мана шу тахлит кетаётган эди. Билмадик, тадбиркорнинг йўлини қандай қора мушук кесиб ўтди, аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтиб-ўтмай бошлиқ бирдан тўнини тескари кийиб олди.

— Биринчи марта Ш.Қўчқоровга мурожаат этганимда, у лойиҳа 3-4 кун ичида кўриб чиқилади, деб ишонтирган эди, — дейди тадбиркор С.Нурматов. — Аммо 3 ойдан зиёд вақт ўтса ҳамки, бирон бир натижа чиқмади. Ҳатто Қўчқоров АЁҚШни лойиҳалашни сўраб ёзган хатимни қабул қилишни ҳам истамади. Шундан сўнг юғур-юғур бошланди. Ҳар куни бўзчининг мокисидек бошқармага қатнайман. Лекин биронбир натижа чиқмайди. Қўчқоров нега масалани ҳал этишни орқага сураяпти? Бу ерда бир гап бўлса, ажаб эмас, деб ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмайман. Ниҳоят, адоқсиз юғур-юғурлардан сўнг у шу йилнинг 3 август куни алоқа хатимни олиб, рўйхатдан ўтказди. Бундан ишларим тағин юришиб кетгандир, деб ўйларсиз?! Сира куракда турмайдиган гапни эшитиб, умидим пучга чиқди. Нима эмиш, Қўчқоровнинг оғзаки маълум қилишича, мен қурилиш олиб бориш учун ҳаракат қилаётган ташландиқ майдон Наманган туманига қарашли эмиш. Бу ер майдонига эгалик қилиш учун "Матлуботтранссервис" масъулияти чекланган жамиятнинг бошлиғи Анвархожи деган шахс Наманган туман ҳокимининг қарорини чиқартириб, АЁҚШ қуриш ниятида экан. Ҳатто бу ишни амалга ошириш учун вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Фозиловдан хулоса беришни сўраган экан.

Жаноб Ш.Қўчқоров тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, қолаверса, хизмат вазифаси тақозо этган ишни бажармай, нега бундай йўл тутгани энди хиёл ойдинлашгандир. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: Наманган шаҳри ҳудудидаги бир парча ер майдони нега кутилмаганда Наманган тумани ҳудудига ўтиб қолди?!. Бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

Бундай можаро ҳақида ўйлаганда яна бир жумбоқли савол туғилади: хўш, ўша ер майдони ҳақиқатан ҳам Наманган тумани ҳудудида жойлашган экан, нега бундан ҳужжатларни расмийлаштираётган пайт Наманган шаҳар ҳокими хабар топмади?!. Қолаверса, Наманган шаҳар ҳокимининг ер майдонини тадбиркорга ажратиб бериш тўғрисида 12 июндаги қароридан Анвархожи хабардормикан? Тадбиркор С.Нурматов иш бошламасдан аввал даъвогар қаёқда эди?! Гапнинг очиғи, даъвогарнинг ноўрин ҳаракати ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутган кишининг қилмишига ўхшайди.

Энг ачинарлиси, бу ишга вилоятдаги эътиборли идора раҳбари жаноб Ш.Қўчқоровнинг аралашиши, тадбиркорнинг йўлига суньий тўсиқлар қўйиши кишини ўйлантиради.

Айни кунда мутасадди ташкилотлар икки ўртада талаш бўлган бўш ётган ташландиқ ер масаласи билан шуғулланмоқдалар. Қани кўрайлик-чи, ким зўр чиқар экан. Ташаббус билан иш бошлаган хусусий тадбиркор С.Нурматовми ёки бирдан пайдо бўлиб қолган Анвархожими?

Жуманазар МЎМИНОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси,
Эркин ҚАМБАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия тизими

НАВОИЙ

Назорат қилувчи идоралар томонидан текшириш ўтказиш ва текширишларни қайд қилиш китобини тўлдириш юзасидан вилоятнинг Навбаҳор, Хатирчи, Нурота туманлари ва Навоий шаҳрида мониторинг ўтказилиб, 85 та китоб ўрганиб чиқилди. Кузатишлар давомида назорат қилувчи идоралар томонидан китобларни тўлдиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан Навоий вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Миллий банк, "Пахтабанк" ва "Асакабанк"нинг вилоят бўлимлари, вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, вилоят давлат санитария эпидемиология назорат маркази, вилоят "Доридармон" давлат акционерлик жамияти, вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларига тақдимномалар киритилди.

* * *

2001 йилнинг 8 ойида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини тиклаш бўйича хўжалик ва умумий судларга 62 та даъво аризалари киритилган ва шулардан 43 таси кўрилиб, қаноатлантирилди.

Навоий шаҳар Меҳнат бўлими томонидан шаҳардаги бир неча корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, "Лутфулло" хусусий фирмаси ва "Навоий-Мармар-Даш" қўшма корхонасидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботлар ортиқча талаб қилинганлиги ва уларни маъмурий жавобгарликка ноқонуний тортилганлиги аниқланди. Юқоридагиларга кўра, корхона ва ташкилотларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш тўғрисида вилоят прокуратурасига тақдимнома киритилди ҳамда "Лутфулло" хусусий фирмаси ва "Навоий-Мармар-Даш" қўшма корхоналарини жавобгарликка тортиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

* * *

Вилоятда кичик ва ўрта табиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини хом ашё ва моддий техника ресурсларига бўлган талабларини қондириш борасида маълум ишлар амалга оширилган.

Вилоят туманларида деҳқон ва фермер хўжаликларига минерал ўғитлар, заҳарли силикатлар билан савдо қилувчи дўконлар очилган ва ассортиментлар билан бойитилган. Бундан ташқари уларга нефт базалар тасарруфидаги автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчалари орқали қўшимча қиймат солиғисиз ёқилғи сотиш ташкил қилинган.

БУ АНЪАНАНИНГ ДАВОМИМИ ЁКИ...

Шу йилнинг январь ойида Навоий вилоятининг Конимех туманидаги "Сарибел" ширкат хўжалиги раиси У.Туремуратов вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. У ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик билан "Бухоро Қоракўл" акциядорлик жамияти ўртасида тузилган 62211500 сўмлик жами 9571 дона қоракўл териси етказиб бериш тўғрисидаги контрактация шартномаси бўйича бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам беришни сўраган эди.

Адлия бошқармаси томонидан ариза ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, "Бухоро-қоракўл" акционерлик жамияти томонидан шартнома мажбуриятларининг бузилганлик ҳолатлари аниқланди.

Шартноманинг 2-3-бандига кўра жавобгар, яъни "Бухоро-қоракўл" корхонаси шартнома суммасининг 25 фоизи миқдоридан бўнак, яъни 15552875 сўмни шартнома имзоланганидан сўнг 2 ой ичида тўлаш мажбуриятини олган. Бироқ бу мажбурият тўла бажарилмаган.

Шартноманинг 4-3-банди бўйича эса тайёрловчи шартномада белгиланган муддатларда бўнак ва қабул қилиб олган маҳсулот қийматини тўлиқ тўламаса, хўжаликка тўланмаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима ва жаримадан ташқари муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлаш белгиланган.

Шундай қилиб, Навоий вилоят адлия бошқармаси Конимех туман "Сарибел" ширкат хўжалиги фойдасини кўзлаб, Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Унда "Бухоро-қоракўл"акционерли жамияти "Сарибел" ширкат хўжалигини белгиланган муддатда бўнак (аванс) билан таъминламагани учун 1758671 сўм жарима, ҳар бир кечиктирилган кун учун 3751832 сўм пеня, асосий қарзи учун 11724475 сўм, жами 17234978 сўмни тўлаб бериши сўралган. Бундан ташқари шартнома интизомини бузганлиги учун айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Ушбу даъво аризасига асосан Бухоро вилоят хўжалик суди томонидан қўзғатилган хўжалик иши суди А.Нарзуллаев раислигида мубоҳаса қилиниб, қарор қилинди. Унга кўра суд даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 11724475 сўм аванс суммасини, 1758671 сум жарима суммасини, жами 13483146 сўм ундиришни, пеня суммасини эса рад этишни лозим деб топганлиги билдирилган. Судья бунга Олий хўжалик судининг 77-сонли Қарорида тўлов кечиктирилганлиги учун ҳисобланган жарима суммаси ундирилганда, пеня суммасини ундирилиши мумкин эмаслигини сабаб қилиб кўрсатади.

Бу "Бухоро — қоракўл" акционерлик жамияти билан боғлиқ суд ишининг биринчиси эмас. Илгари ҳам мазкур жамият томонидан Конимех туман "Абай" ширкат хўжалиги ўртасидаги контрактация шартномаси мажбуриятлари бузилган ва айни ҳолат суд тартибида ҳал этилган эди.

Бу анъананинг давомими ёки якуни?..

Юсуф РАСУЛОВ,
журналист.

Ҳуқуқий маслаҳат

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАЛАБИ

Бугун ҳаётимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимизнинг таянчларидан бири деб қаралиб, унинг ривожи учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айни шу тадбиркорлик воситасида халқимиз табиатидаги бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳияти ҳам тўла рўёбга чиқаётганига ҳар биримиз гувохмиз.

Шу маънода айтайлик, сиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни, ўз имкониятларингизни юзага чиқаришни ният қилдингиз.

Хўш, бунинг учун ишни даставвал нимадан бошлаш керак? Қайси идорага мурожаат қилиш лозим? Тадбиркорликни ният қилган шахсдан биринчи навбатда қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Ўйлаймизки, бундай саволлар кўпчиликни қизиқтиради.

Шундан келиб чиқиб, биз шу мавзуда фикр юритишни лозим топдик.

Буни Адлия вазирлиги халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармаси бош маслаҳатчиси Фозил ФАРИКОВ қуйидагича изоҳлади:

Аввало шуни айтиш керакки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ният қилган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги (2001 йил 22 август) 347-қарори ўзига хос катта воқеа бўлди.

Чунки мазкур қарор чиқарилганга қадар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролардан турли-туман керексиз ҳужжатлар талаб қилинар, ортиқча оворагарчилик, сансоларликка йўл қўйилар эди.

Мазкур қарор эса, бу борадаги ишларни аниқ тартибга солгани, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида иш бошламоқчи бўлган шахсларга қатор енгиллик яратиб бергани билан бениҳоя қимматлидир.

Шу йилнинг 1 октябридан бошлаб, амалда жорий этиладиган ушбу қарор билан тасдиқланган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида"**ги Низомига биноан тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахслардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага фақат:

— таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

— тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

— давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

— белгиланган тартибда шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

— мухр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

ХОЛЖИГИТОВ ҚОНУННИ БИЛМАЙДИМИ?

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида шартномавий муносабатларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шартнома буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи орасидаги келишув ва тенгликни вужудга келтирадиган қонуний ҳужжат вазифасини ўтайди. Лекин эски тузумдан қолган "қоғозда бору амалда йўқ" ҳолатлари ҳали ҳам мавжудлиги ташвишланарлидир. Зеро, одамларимиз орасида халқимизнинг интилиш ва орзуларига мос келмайдиган кайфиятлар бор экан, улар йўлимизда тўғаноқ бўлиши тайин. Айнан шундай кайфият шартномавий муносабатларда яққол кўзга ташланади. Бу борада Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди вакиллари томонидан жойларда тушунтириш ишлари, ўқув семинарлари ташкил этилаётир, қонунбузарликка йўл қўяётганлар жазоланаяпти. Шунга қарамай, салбий ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

Дўстлик туманидаги "Жўш" хусусий фирмаси "Дўстликқурилиш" механизациялашган кўчма корхонаси раҳбари Н.Холжигитов билан шартнома тузган. Унга асосан "Жўш" фирмаси ўзига тегишли ТЗ-80 маркали трактори билан Дўстлик шаҳридаги коллеж қурилишида сакқиз ойга яқин хизмат кўрсатди. Транспорт хизмати кўрсатиш шартномасига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловни "Дўстликқурилиш" МКК ҳар ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай фирма ҳисобига ўтказиб бериши лозим эди. Аммо "Жўш" хусусий фирмаси бир миллион 467 минг 137 сўмлик транспорт хизмати кўрсатган бўлишига қарамай, шу кунга қадар мазкур сумманинг фақат 200 миннгинигина олган, холос.

Иши битиб, эшаги лойдан ўтган "Дўстликқурилиш" энди "Жўш"ни танимайди гўё. Хизмат кўрсатиб, оғзи куйган "Жўш" раҳбари қонуний ҳақини талаб қилиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

— Жиззах вилоят хўжалик судида кўрилган мазкур ишда вилоят адлия бошқармаси даъвогар сифатида иштирок этди, — деди биз билан суҳбатда Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Ш.Саидов. — Маълум бўлишича, "Дўстликқурилиш" ҳеч қандай асоссиз "Жўш" фирмасининг пулини бермай келган. Суд жараёнида жавобгарга Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 95-, 135-, 138-моддалари қўлланилиб, у 967 минг 137 сўм асосий қарзи ва шартноманинг 4-бўлим 1-бандига асосан, кечиктирилган ҳар бир банк кунлари учун 0,5 фоиз миқдорида 704 минг 177 сўм жарима, жами 1 миллион 671 минг 254 сўм тўлайдиган бўлди.

"Жўш"-ку, муродига етди. Лекин шу ўринда кишини бир нарса ўйлантиради. Айбдор қилмишига яраша жазоландими? Суд қарорида кўрсатилган суммани Н.Холжигитов олдин пайсалга солган бўлса-да, энди тўлайди. Қарз билан баробар жарима ҳам тўлаш уни бироз бесаранжом қилгани аниқ. Маблағни вақтида тўламаса, жаримaнинг ўсиб боришини тушуниб ҳам қолди. Лекин ўзининг айби билан корхона ҳисобидаги миллион сўмга яқин пулни ҳавога учираётгани унинг оромини бузмадимикин?

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Оталар дейдики:

Ҳамма кишилар ақлга муҳтождирлар, ақл эса амалиётга, иш-ҳаракатга эҳтиёж сезади, шунинг учун ҳам амалиётни ақлнинг ойнаси дейишади.

* * *

Ёмонлик — бутун нуқсонлар мажмуидир.

Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди. Агар таълим-тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса, мамлакат ишлари бузилади.

* * *

Ҳой, тажрибали одам, менинг маслаҳатимга қулоқ сол: агар сен ақлли бўлсанг, жоҳиллардан нафратлан. Озгина билими бор одам улардан узоқда юриши керак. Уларнинг мақтаниб айтган гапларидан асран, улардан четда юр. Шундагина қалбингни эзгулик тарк этмайди.

УЮШҚОҚЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Бу йилги мавсумга Вазирлар Маҳкамасининг "2001 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2000 йил 13 август) қарори асосида тайёргарлик кўрилди. Сирдарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори М.Эшназаров бу йилги пахта йиғим-терими мавсумига жойларда қандай тайёргарлик кўрилгани хусусида мулоҳаза юритади.

Сирдарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг **"2001 йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, вилоят машина-трактор парклари (МТП) бирлашмаси томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга тайёргарлиги текширилганда қуйидаги ҳолат аниқланди: 296 та пахта териш машинасидан 260 таси (88 фоиз), 176 та "Кейс-2022" пахта териш машинасидан 162 таси (92 фоиз), 1521 та пахта ташиш прицепларидан 1439 таси (95 фоиз), 196 та ОВХ-28 пуркагичлардан 175 таси (89 фоиз), 276 та ҳайдов ва 1383 та юк ташишга мўлжалланган тракторларнинг барчаси мавсумга тайёрлаб қўйилган.

Вилоятда 2001 йилги пахта ҳосилини қабул қилувчи 32 та сарой, 33 та тарози, 88 та ҳаво сўргич, 1074 та брезент қоплама, 785 та ғарам майдонларининг барчаси, 14 та пахта қуритиш цехларидан 9 таси (64 фоиз) мавсумга шай қилиб қўйилган. Бундан ташқари қўлда пахта териш учун керак бўладиган 309 минг дона фартуклардан 221,3 мингтаси (97,7 фоиз) 6497 та брезент қопламадан 4454 таси жойларга тарқатилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга тайёргарлиги тўғрисида тоширилган статистик ҳисоботлар таҳлил этилганда қуйидаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, Гулистон туманидаги Амир Темур ДФХ уюшмаси шу йилнинг 1 августигача туман истиқболстат бўлимига уюшмада мавжуд 20 та прицепнинг барчаси созланган ҳолатда деб ҳисобот берган, ҳолбуки, ўтказилган назорат текширувида уларнинг 13 таси соз ҳолатда эканлиги аён бўлди.

Шу каби статистик ҳисоботларда "Ишонч" ДФХБ 2 та прицеп ва 3 та транспорт трактори, "Бешбулоқ" ДФХБда 1 та прицеп, "Боёвут" ДФХБ 1 та СХО-3.6 кўрак териш машинаси ва 4 та транспорт трактори, У.Носир ДФХБ 1 та СХО 3.6 кўрак териш машинаси, "Учқаҳрамон" ширкатлар уюшмасида транспорт тракторларининг 4 таси, "Ўзбекистон" ДФХБда транспорт тракторларининг 3 таси, А.Носиров ДФХБда транспорт тракторларининг 2 таси, А.Навоий ДФХБда 1 таси, "Истиқбол" ДФХБда 1 таси, "Ишонч" ДФХБда 4 та транспорт трактори таъмирланганлиги ошириб кўрсатилган.

Текшириш натижаларига кўра туман хўжаликларида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф қилиш тўғрисида туман ҳокимига тақдимнома киритилиб, туман МТП, "Боёвут", "Учқаҳрамон", "Ўзбекистон", "Бешбулоқ", А.Навоий, У.Носир, "Янги ҳаёт", "Истиқлол", "Дўстлик", "Улуғбек", Амир Темур, "Ишонч" ва Ҳ.Олимжон номли ДФХБ раислари К.Равшанов, С.Ҳасанбоев, С.Тожибоев, А.Абдурахимов, М.Бобоқулов, Ш.Нормуротов, К.Кенжаев, В.Шомуротов, А.Йўлдошев, А.Эшонқулов ва А.Турдиевлар бундан кейин қонунбузилишларга йўл қўймасликлари хусусида расман огоҳлантирилдилар.

Бундан ташқари, туман ДАЖ МТП бўлими бошлиғи Н.Абдуғофуров, "Бешбулоқ", Амир Темур, "Ишонч", "Боёвут", У.Носир, "Учқаҳрамон", "Ўзбекистон", А.Носиров, А.Навоий ва "Истиқлол" ДФХБ раислари ва бош муҳандисларига нисбатан МЖКнинг 215-моддаси, 1-қисми билан маъмурий иш қўзғатилди.

Ш.Рашидов туманидаги 23 маҳаллий пахта териш машинасидан 17 тасининг териш агрегатлари таъмирдан чиқарилиб, 6 таси мавсумга тайёрланмаганлиги аниқланиб, хўжалик раисларига амрномалар берилган.

Мазкур туманда ғўза баргини тўкиш учун мўлжалланган 24 та ОВХ пуркагичдан 20 таси мавсумга тайёрланган. Т.Малик, "Бахмал", Ш.Рашидов ва Ф.Хўжаев номли ДФХБ раисларига қолган 4 та ОВХларни мавсумга тайёрлаш тўғрисида амрнома берилган.

Меҳнатобод туманидаги Охунбобоев номли ДФХБ статистика бўлимига 1 та пахта юклагич машинасининг тайёрлиги тўғрисида маълумот берилган, текширилганда эса бу техника таъмирланмаганлиги аниқланган ва бош муҳандис Х.Усмонов МЖКнинг 215-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Сирдарё туманларараро прокуратураси томонидан юқоридаги қарор ижроси юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан қўшма рейд ўтказилганда "Шоликор" ширкатлар уюшмаси 6-бўлимида етиштирилган пахта ҳосилини қозоғистонлик фуқарога сотилаётганлиги аниқланди.

Жумладан, 6-бўлим бригада бошлиғи Анорбой Худойбердиев 28 август куни хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, ўз жавобгарлигидаги 780-781 контурдаги 8 гектар пахта майдонининг 1,1 гектаридаги пахтанинг ҳар бир килосини 25 тенгедан Қозоғистон Республикаси фуқароси Комил исмли шахсга териб олишга рухсат берган, натижада бу майдондан 1,2 тонна пахта териб олиниб, Қозоғистонга олиб ўтилиб, хўжалик манфаатларига 111744 сўмлик моддий зарар етказилган.

Мазкур ҳолат бўйича А.Худойбердиевга нисбатан 2001 йил 30 август куни ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "В" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Оқолтин туманидаги "Фарғона" ДФХБ Фарғона қишлоғида яшовчи Бахтиёр Мўминов ва Шарифжон Ашуров 19 август куни Фарғона ДФХБ 7-бўлими 3-бригадаси даласидан "Урал" мотоциклига 150 кг пахтани юклаб, Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлганида ушланган. Ушбу ҳолат бўйича 20.08.2001 йилда ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "В" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Бу йўналишда 2001 йилнинг 4 сентябр кунига қадар ўтказилган текширишлар натижасига кўра қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида вилоят ҳокимлигига 3 тақдимнома, 27та амрнома киритилиб, 15 нафар мансабдор шахслар қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди, 23 та маъмурий, 1 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси идоралари ходимлари томонидан айни кунларда пахта йиғим-терими қатнашчиларига шарт-шароит яратиш, теримчиларга ҳақ тўлаш, пахтани юклаш, тушириш, транспортда ташиш, қабул қилиш, пахта йиғим-терими қатнашчиларини озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари билан таъминлаш, уларга тиббий ёрдам ва маданий хизмат кўрсатиш ишлари мунтазам назорат этиб борилмоқда.

Ҳуқуқий маърифат

АПЕЛЛЯЦИЯ – ОДИЛ СУДЛОВ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда суд ҳокимияти тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш борасида бекиёс ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги (2000 йил 14 декабрь) қонунининг қабул қилиниши билан жиноят-процессуал қонунчилиги жараёнини демократлаштириш сари яна бир муҳим қадам қўйилди.

Ушбу қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят ва фуқаролик судловларини апелляция тартибида кўриб чиқиш тўғрисида махсус боб киритилди.

Хўш, жиноят ва фуқаролик судловига апелляция институти киритилишининг зарурати нимада эди ва бу суд амалиётига нималар беради?

Мухбиримиз Тошкент Давлат юридик институти жиноят-процессуал кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Зумрадхон ИНОҒОМЖОНОВА билан шу мавзуда суҳбатлашди.

—Судловга апелляция институтининг киритилишини қандай изоҳлайсиз?

— Бу янгилик ҳаётнинг тақозасига кўра жорий этилган бўлиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини суд жараёнида ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган. Жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш биринчи инстанция суди қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва қанчалик адолатлилигини юқори босқич судлари томонидан текшириш, шикоят ҳамда протестларни ҳар томонлама ўрганиш, қўшимча далил, ҳужжат ва ҳолатларга холис баҳо бериш имкониятларини янада кенгайтириб, биринчи инстанция суди жараёнида йўл қўйилган процессуал камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган. Бу ўз моҳиятига кўра ошкорлик сари қўйилган муҳим қадам бўлиб, процесс иштирокчилари жиноят иши юзасидан берилган шикоят, билдирилган протест ва тўпланган ҳужжатлар билан танишиш ва улар юзасидан ўз эътирозларини билдириш имкониятига эга бўладилар. Бунда биринчи босқич судининг фаолияти таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиш имконияти юзага келади.

— Апелляция инстанцияси суди жараёнининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

— Жиноят-процессуал кодексининг 28-моддасига асосан апелляция суди биринчи босқич судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмларини ва ажримларини устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Ушбу кодекснинг 13-4-моддасига мувофиқ тегишли суд ҳайъатларида апелляция тартибида ишларни кўриш 3 нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция шикоятлари (протестлари) Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Ва бу жараёнда прокурнинг иштироки шарт. Шунингдек, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суднинг ихтиёрига биноан таклиф қилинади. Апелляция инстанциясида иш юритиш тартиби мазкур кодекснинг 497-2-моддаси қоидаларига биноан амалга оширилади.

— Қандай шахслар биринчи инстанция суди ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга?

— Жиноят-процессуал кодексининг 497-2-моддасига асосан, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвогарга дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга, шунингдек, юқорида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 27-2, 197-2, 497-9, 498, 510, 511 ва 516 – моддаларида суд қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек, суд қарорларини (назорат тартибида) қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақли бўлган процесс иштирокчилари ва шахслар қатъий белгиланган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 497-9-моддасига кўра мазкур иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 1 июндаги 4-5-қарорларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

— Аппеляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш қай тарзда амалга оширилади?

— ЖПКнинг 497-3-моддасига биноан:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) округ ва худудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан — Ўзбекистон республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айни шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади.

— Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса-чи?

— Бундай ҳолатларда суд ушбу кодекснинг 479-2,3,4-моддасида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

— Биринчи инстанция суди ҳукми устидан ҳукм эълон қилинган кундан сўнг қанча муддат ўтгач апелляция шикоятлари ёки протест билдирилиши мумкин?

— Мазкур Кодекснинг 497-4-моддасига мувофиқ ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шунча муддат ичида берилиши мумкин. Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади ва бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

— Апелляция шикояти ёки протест бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолларда уларни тиклаш ҳолатлари ҳам назарда тутилганми?

— ЖПКнинг 497-5-моддасига асосан ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

— Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад қилинса-чи?

— Бундай ҳолларда илтимос қилган шахс аризасининг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

— Ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести берилиши унинг ижросига қандай таъсир кўрсатади?

—Ушбу Кодекснинг 497-6-моддасига асосан апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукмнинг ижро этилишини тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекснинг 497-2,3,4-моддасида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга 10 кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

— Бу муддат узайтирилиши мумкинми?

— Ҳа. Алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан 20 кунга узайтирилиши мумкин.

— Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари нималардан иборат?

— ЖПКнинг 497-13-моддасига асосан апелляция инстанцияси судига қуйидаги ваколатлар берилган:

1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдириш;

2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукмини чиқариш;

3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатиш;

4) биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартириш;

5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ушбу ишни қўшимча тергов юритиш учун юбориш;

6) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни қайтадан судда кўриш учун юбориш.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгидан судда кўришга юбормай, камчиликларни тузатиш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

— Суд жиноят ишини апелляция тартибида кўрган вақтида жазони кучайтириш, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаши мумкинми?

— Ушбу Кодекснинг 494-моддасига биноан суд жиноят ишини апелляция тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Апелляция инстанцияси суди ушбу кодекснинг 482-моддасига мувофиқ нафақат жазони камайтириши, балки бошқа енгилроқ жазо турига алмаштириши ҳам мумкин. Бу ҳолатда қонун доирасида тайинланадиган енгилроқ жазонинг муддати ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатидан ортиқроқ бўлиши ҳам мумкин (масалан, бир йил озодликдан маҳрум қилинган шахсга суд уч йил ахлоқ тузатиш иши тайинлаши мумкин).

Оғирроқ жиноятга доир моддаларни қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонилан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция тартибида ҳукм бекор қилиниши ва ишни қайтадан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

— Судланган (маҳкум)га нисбатан асосий жазо камайтирилганда, шу жумладан, қонунда белгиланганидан кўра енгилроқ жазога алмаштирилганда ҳукмнинг қўшимча жазо тайинлаш (мол-мулкни мусодара қилиш, унвонлардан махрум қилиш каби) қисми ўзгаришсиз қолдирилиши мумкинми?

— Ҳа, мумкин.

— Апелляция инстанцияси судлари қандай ҳолларда хусусий ажрим чиқаришга ҳақли?

— ЖПКнинг 298, 300 – моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини қаратиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаралади.

— Сизнингча биринчи босқич суди ҳукмлари қонунийлигини текшириш жараёнининг халқаро меъёрларга уйғунлиги қай даражада?

— Дунёнинг деярли барча давлатларида бу жараён икки босқичдан иборат бўлса, бизда уч босқичли. Яъни аппеляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди эса биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар аппеляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида таъкидлаганларидек, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқишнинг жорий қилиниши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иши юритилишида сансоларликка йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолати бўлди. Эндиликда фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули, танлаш имконияти берилди.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди

От ўйнатар юрт ўғлонлари...

Нуқтаи назар

АДВОКАТУРА БЎЛИНМАС СОҲАМИ?

Газетанинг ўтган сонларидан бирида адвокатура ҳам худди судлар сингари уч йўналишга бўлиниб, фаолият олиб бориши ҳақида таклиф этилган эди.

Адвокат бўланлигим учун ушбу таклифга муносабат билдиришни лозим деб топдим. Аввало, шуни айтишим керакки, адвокатура бўлинмас соҳа саналади. Ҳатто уни бўлиш кўп жиҳатдан зарар келтириши ҳам ҳеч гап эмас. Бу фикримни асослаш учун ўз тажрибамдаги баъзи мисолларга мурожаат қиламан.

Бир фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, дастлабки терговда қатнашганман. Шунда иш ҳолати бўйича эр-хотин ўртасида илгаридан келишмовчилик бўлган. Бу низо оқибатида бир кун эр ишдан келиб, уйдан ўзининг кийим-кечак ва буюмларини олиб чиқиб кетган. Бу пайтда хотини уйда бўлмаган. Хотин эса уни ўғирликда айблаган. Оқибатда ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан жиноий иш ҳам қўзғатилган. Улар қонуний никоҳда эканлиги, эрнинг бу хатти-ҳаракати оилавий келишмовчилик натижасида содир этилгани инобатга олинса, бу ҳолат Фуқаролик ҳамда Оила кодекслари билан тартибга солинади. Бу ҳолат исботлаб берилгач, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

Иккинчи мисол. Бир шахс мерос мулкига якка ўзи эгалик қилиш мақсадида қалбаки ҳужжат тайёрлаган. Ушбу иш фуқаролик судида мерос мулкини бўлиш бўйича кўрилаётган пайт, унда жиноят таркиби мавжудлиги аниқланган. Бундай мисоллар ҳаётда кўп учрайди. Шунинг учун адвокат ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғини чуқур билиши керак. Бир-бири билан узвий боғланган ҳуқуқ тармоқларини яхши билмаслик, муайян тармоқ бўйича ихтисослашиш эса айрим хато ва англашилмовчиликларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Агар ҳуқуқ соҳасини тўлиқ ва чуқур ўзлаштириш, кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш қийинчилик туғдиради, деган мақсадда шундай фикрга келинган бўлса, бунинг ҳам ечими бор. Ҳозир мамлакатимизда барча янги қонун ва ҳужжатлар компьютер "ҳуқуқ" тизимида мавжуд. Шундан фойдаланиш муаммо эмас.

Қолаверса, адвокат бошлаган ҳар бир ишига нисбатан масъулият ва жавобгарликни ҳис қилиши, уни қонун нуқтаи назаридан охирига етказиши керак-ку? Буни соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсам, жиноий суд жиноий ишни кўриш чоғида жиноят аломатлари йўқлигини аниқлаб, фуқаролик ишлари судига ўтказса, фуқаролик ишини кўришда бошқа адвокат иштирок этиши керакми? Бунинг акси бўлганда-чи? Агар ўхшатишим жоиз бўлса, бир устанинг чала ишини бошқа уста давом эттирмайди-ку!

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, жиноят ва қонунбузарлик ҳоллари кўпинча аралаш учрайди. Баъзан тергов, қолаверса, судда ҳам калаванинг учини топиш осон кечмайди. Ана шундай ҳолатда қайси ҳаракат учун жиноятни белгилаш ва нима асосда фуқаролик ҳуқуқининг бузилишини аниқлаш мушкул кечади. Кейинги пайтларда эса хўжалик субъектларининг хатолари ҳам ана шу умумий жараён ичида кечаяпти. Бу — битта иш учун 3 та адвокатни ёллаш деган маънони англатади. Ҳар ҳолда битта ишни ипидан-игнасигача ўрганган адвокат уни охиригача ўзи ҳимоя қилгани маъқул эмасми?

Шу ўринда мен қуйидаги таклифни ўртага ташламоқчиман.

Адвокатларни ҳуқуқ соҳалари бўйича ихтисослаштириш мумкин. Масалан, вояга етмаганлар иши, транспорт, халқаро муносабатлар бўйича адвокатура ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, бугун давр ҳар бир адвокатдан мукаммал билим, ҳуқуқнинг барча тармоқларини тўлиқ ўзлаштиришни, ҳалол ва виждонли бўлишни талаб этаяпти. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир.**

Раъно ЮСУПОВА,
Халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати

Жиноят ва жазо

АХЛОҚ МЕЗОНИ

Жамиятда кишилар хулқ-атвори уларнинг ахлоқ меъёрларига қай даражада итоат этишлари, хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларида аён бўлади. Эркак билан аёл ўртасидаги муомала жинсий хулқ-атворини белгиловчи шартлардан биридир. Ахлоқсизлик йўлига кириб, жиноят содир этган, масалан, номусга тегиш ҳоллари рўй берганда бундай ножўя қилмиш унга қўл урган кимсанинг хулқ-атворини белгилайди. Жиноят содир этган, масалан, номусга тегиш ҳоллари рўй берганда, бундай нопок қилмишга қўл урган кимсанинг хулқ-атворидаги бадбинликни кўрсатади, қолаверса, криминоген типидаги жиноятларнинг кўпайишига омил бўлади.

Ғарбда жиноят қурбони билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш соҳасини витимология, деб номлашади. Бу атаманинг луғавий маъноси: victim — қурбон, logos — таълимот маъноларини беради. Виктомология бу турдаги жиноятчиликка қарши қураш амалиёти ва назариясига оид муаммоларни тадқиқ этиш билан бирга, жабрланувчининг шахси, ахлоқи билан алоқадор салбий жиҳатлари бартараф этишни ҳам кўзда тутади. Зотан, жабрланувчи хулқ-атворидаги салбий жиҳатлар жиноятни келтириб чиқарувчи омилларидир. Бу омилларни ўрганиш жинсий жиноят қурбонларининг ижтимоий, ахлоқий-психологик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг жиноятчилар билан ўзаро муносабатларини, жиноят содир этиш чоғидаги ва унгача бўлган хулқ-атвори қандайлигини ойдинлаштиришга имконият яратади. Ана шу тарзда олинган маълумотлар ахлоқсиз аёлларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида шуғулланиш ва пировард натижада фоҳишаликнинг олдини олишда қўл келади.

Қийин турмуш шароитига тушиб қолган ҳар қандай аёл бузуқлик кўчасига кириб кетавермайди, албатта. Бундай нопок йўлга асосан бетайин оилавий муҳит шароитида вояга етган ҳамда ахлоққа зид турмуш кечираётган аёллар боришади. Бундай «ҳунар»га ружу қўйганлар хулқ-атворини, умуман, фоҳишалик сабабларини тадқиқ этиш асосида шундай хулосаларга келиш мумкин: мазкур иллат замирида ахлоқсизлик ётади ва аёлда ғайриахлоқий хулқ-атвор унинг бузуқлик кўчасига кирганидан анча олдин юзага келган бўлади. Айни шу типдаги аёллар жинсий зўрланишга дучор бўлишади. Польшада ўтказилган виктимологик текширувларнинг кўрсатишича, жинсий жиноят қурбони бўлган аёлларнинг аксарияти кейинчалик юқори сексуал фаолликни намоён этишган. Бундай алоқалар, айниқса, ўсмирларга хосдир. Чунки бу ёшда жинсий балоғатга етиш жадаллашади, жинсий алоқа малакасини эгаллашга интилиш кучаяди. Айни шу майлларнинг йўлини тўсувчи ахлоқий маданиятнинг сустлиги оқибатида айрим қизлар ҳали ёшлик палласидаёқ жинсий муомалага киришиб кетадилар. Боз устига, бу алоқаларда дастлаб уларга зўравонлар «шерик»чилик қилишади. Бу эса ўсмирларнинг ахлоқига жиддий путур етказади.

Жинсий жиноят оқибатида жабр кўрганларнинг аксарияти енгилтабиат, тезда йўлдан озадиган, ҳар қандай тасодифий алоқаларга киришиб кетаверишга тайёр қизлардир. Бундайларни оғир, вазмин табиатли қизлардан кўра, кўпроқ «хавфли ҳолатлар»да, кейинчалик фоҳишаликка берилганлар орасида учратиш мумкин.

Маълумки, кишини ҳар қандай ножўя қадам ташлашдан асрлар мобайнида шаклланган ахлоқий қадриятлар тутиб туради. Машҳур социолог А.Г.Харчев таъкидлаганидек, жинсий муносабатларда ахлоқ доирасидан чиқиб кетишдан кишини «нафақат ўй, хонадон деворлари, балки камтаринлик, уятчанлик, шахсий ва оилавий қадр-қиммат туйғулари ҳимоя қилади». Бу эркакларга ҳам, аёлларга ҳам бирдай тааллуқлидир. Афсуски, айрим кишилар ўз хулқлари, юриш-туришларини жамият ахлоқий мезонларидан айрича тутишга уринишади. Зотан, суд амалиётининг кўрсатишича, номусга тегиш ҳолатларининг ҳар иккисидан бирида бу жиноят рўй беришига жабрланувчининг мойиллиги сабаб бўлган. Ана шундай мойиллик аёлнинг ахлоқсизлигига йўл очади. Айни шу хавфли майл жиноят содир этишга қулай ҳолларда (жой, вақт, шароит ва бошқалар) пайдо бўлади. Мана, суд амалиётидан бир мисол. Суд А.исмли аёлнинг номусига теккан беш нафар эркакни жавобгарликка тортиб, жиноий ишни кўриб чиқканда қуйидагилар маълум бўлган: аёл ўша куни шу эркакларнинг биттаси билан ётоқхонада тунаб қолган. Спиртли ичимлик истеъмол қилган, наша чеккан, кейин қўшни хонага ўтиб ётиб қолган. А.нинг ночор аҳволидан фойдаланиб, шу хонадагилар ҳам унинг номусига тегишган. Ушбу воқеа жинсий жиноят аёлнинг беъмани хулқ-атвори оқибатида келиб чиққанини кўрсатади. Бу хилдаги хавфли ҳолатларга тушиб қолиш, айниқса, вояга етмаган қизларга хос бўлиб, номусга тегиш ҳолларининг ҳар ўнтасидан еттитасида жабрланувчининг бадбин ахлоқи жинсий жиноятга замин яратгани маълум.

Киши ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар муайян қулайлик туғилган шароитда амалга оширилади. Ахлоқ мезонларини писанд этмайдиган нопок аёллар ўз ихтиёрлари билан жабрланувчи ролини ўташга мойил бўлишади. Бундай ожизлик нафақат қўшмачилар, балки ифлос йўл билан тирикчилик қиладиган кимсаларга фойда воситасигина бўлиб қолмай, бошқа зўравонлик жиноятларини содир этишга ҳам кўмаклашади.

Айрим ҳолларда жабрланувчи аёл эркак билан жинсий алоқага бошқа одамлар кўз ўнгида ихтиёрий равишда киришади. Одамлар эса жабрланувчининг бу беҳаёлигини унинг яшаш тарзи сифатида тушунишади. Айни ҳолат эса аёл билан унинг хоҳиши, эркига қарши жинсий алоқа қилишга майл туғдиради. Ҳаётдан бир мисол келтирайлик: Г.исмли аёл яқинда танишган икки нафар эркак билан шаҳардан ташқарига дам олгани чиқади. Г. эркаклардан бири билан иккинчисининг кўз олдида жинсий алоқага киришади. Иккинчи эркак ҳам у билан алоқа қилиш истагини билдирганда Г. рад этади ва эркак зўрлик ишлатиб, унинг номусига тегади. Албатта, бу ҳолатда жинсий жиноятнинг рўй беришига аёлнинг ўзи сабаб бўлган, яъни шундай вазиятни унинг ўзи келтириб чиқарган.

Жабрланувчининг ахлоқсиз феъл-атвори унинг жинсий дахлсизлигига тажовузни келтириб чиқаради. Зеро, айрим қизлар оқибатни тушуна туриб, пулдор кишилар билан учрашувга боришади, совғалар олишади ва айни пайтда эркакларнинг бу «ҳотамтойлик»ларидан асл мақсадлари нима эканлигини ҳам билишади. Осон қутуламан, қаршилик кўрсатсам тегинмас, деб енгилтакликка йўл қўйишади. Зўравонлар эса ўз қурбонлари — жабрланувчининг шикоят қилмаслигига ишонишади. Ўзлари ҳақида хунук гаплар тарқалиб кетишидан жабрланувчилар ҳам манфаатдор. Жинсий жиноятга берилувчанларга эса айнан шундай аёллар керак.

Умуман, бетартиб жинсий алоқалар, тасодифий танишувлар, ичишга, чекишга ружу қўйиш — ахлоқсизликнинг ортишига олиб келади. Бунга қарши юксак ахлоқий сифатлар, меҳр-оқибат, вафо-садоқат, ҳалоллик, покизалик каби фазилатларнинг кучли тарғиботи воситасида изчил кураш олиб бориш жоиз.

Фарҳод ТОҲИРОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Биз бир ота-онадан икки фарзанд эдик. Онам вафотидан сўнг отамиз уйландилар. Иккинчи онамиз олдинги оиласидан бир фарзанд етаклаб келдилар. Сўнг яна ота-онамиз икки фарзанд кўришди.

Яқинда отамиз ҳам вафот этди. Шундан сўнг биз барча фарзандлар мерос тақсимоти масаласида ўйланиб қолдик. Орамизда бирор келишмовчилик бўлмай туриб, бизнинг ҳолатимизда мерос ҳуқуқи қандай бўлишини билмоқчи эди.

Санжар, Музаффар, Андижон вилояти

Бу саволга Адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ёқуб БОЗОРБОЕВ жавоб беради.

Оила аъзоларининг мерос ҳуқуқлари ҳусусида сўз юритганда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Амалдаги қонунларимизга кўра мерос қолдирувчининг болалари (шунингдек, фарзандликка олинган болалари), рафиқаси, ота-онаси (фарзандликка олувчилар ҳам) биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқига эга шахслардир.

Эр ёки хотин вафот этган тақдирда, меросхўр фақат қонуний никоҳда бўлган эр ёки хотин саналади. Қонун йўл қўйган ҳолларда эр-хотинлик муносабатлари суд қарори билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Она вафотидан кейин ҳар қандай ҳолатда ҳам болалар мерос ҳуқуқини биринчи навбатда олади. Ота вафот этган тақдирда эса болалар, албатта, оталик қонунларда белгиланган тартибда тасдиқланган ҳоллардагина, қонун бўйича биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқига эгадир. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бундай никоҳ давомида туғилган болаларининг ҳуқуқига таъсир этмайди.

Оила кодексининг 165-моддасига биноан фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Ўгай болалар ўгай ота-онанинг меросхўрлари бўла олмайди, шунингдек, ўгай ота-она ҳам ўгай болаларнинг меросхўрлари бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Булар фақатгина меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар ҳисобланганда, белгиланган тартибда меросхўр бўлиши мумкин.

Таҳририятга савол билан мурожаат қилган ака-укаларга шуни эслатмоқчимизки, аввало, биринчи она вафотидан сўнг мерос очилганми, йўқми, иккинчи она етаклаб келган бола ота томонидан фарзандликка олинганми, йўқми? Аввало масаланинг ана шу томонига ойдинлик киритиб олиш зарур. Шунинг учун улар ўзларида мавжуд бўлган ҳужжатлар тўплами билан яшаб турган жойларидаги давлат нотариусига мурожаат этишларини тавсия қиламиз.

Оталар дейдики:

Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди, (у ҳолда) дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар.

* * *

Сабот-матонат шундай қатъий ҳаракатки, у муҳим ишларни бажаришда бахтсизликлар ва кўнгилсиз ишларни бартараф қилишга қодирдир. Дарҳақиқат, сабот-матонат фаровонлик ва бахт-саодат калитидир, муваффақият унинг натижасидир ва хавф-хатардан қутилишнинг асосидир.

* * *

Болага имкони борича яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хислатларни ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.

Қабоҳат ботқоғи

Қабоҳатнинг тури кўп. Лекин киндик қони тўкилган тупроқни сотган, юртдошларига қўл кўтарган гумроҳнинг жирканч қилмиши кечирилмасдир. Бундай кимсаларнинг охирати ҳам куйиб кетади. Халқ нафратига дучор бўлган бундай малъунлар Ватанни янада обод қилиш, уни ёвуз кучлардан асраш ўрнига турли бузғунчиликларни содир этиш билан шуғулланишади. Ана шундайлардан бири Наманган шаҳридаги, Кўқон кўчасининг, 99-уйида яшаб келган Илҳом Нўъмоновдир. У "Ҳизбут-таҳрир" деб аталувчи диний экстремистик ақидапарастлар тўдасининг аъзоси бўлган. Шаҳарда 2-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган бу кимса ҳамтовоғи Илҳом Умаров билан уйи ва мактабда яширин тарзда йиғилишлар ўтказган. Йиғилишда улар "Ислом низоми" дея номланган ғоявий бузуқ китоб асосида онгсиз, оми фуқароларга ақидапарастликни тарғиб этишган. Бу билан ҳам чекланиб қолмай, бузғунчиликка даъват этувчи варақаларни ҳам тарқатишни касб қилиб олишган. Шу йилнинг 14 март кун куни эса "маслакдош"лар мактабда учрашиб, хуфёна равишда йиғилиш ўтказишган. Унда ақидапарастларнинг мақсади ва ғояси муҳокама этилган. 22 март куни Илҳом Нўъмонов 20 дона иғво билан тўлиб-тошган бузғунчилик варақасини келган кишиларга тарқатаётган пайтида қўлга олинди.

Начора, ҳар ким қилмишига яраша жавоб топади.

Йўлдан адашган, тинч ҳаётнинг юзига оёқ босган И.Нўъмонов ҳам қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди.

Бундай нопок йўлга кирганлардан яна бири шаҳарнинг Мингчинор даҳасидаги, 7-уйда яшовчи Илҳом Умаровдир. У 1998 йилда ақидапарастлар гуруҳига қўшилган. Ўтган вақт мобайнида у Ҳабибулло Мамажонов отли ватан сотқинидан ақидапарастликка мансуб бўлган китоб ва журналларни олиб, гўёки "сабоқ" ўрганади. Кейин Наманган шаҳрида яшовчи М.Аҳмадалиев, И.Нўъмонов, М.Абдураҳимов. Б.Мамажонов, Уйчи туманида яшовчи Б.Тожибоев каби фуқароларни ўзи қўшилган тўдага киришга даъват этади. Уларни вақти-вақти билан уйига яширин равишда тўплаб "Ислом низоми" китоби каби бузғунчилик манбаларидан "сабоқ" беради. Ҳамтовоқларини мамлакатимизнинг амалдаги конституциявий ҳокимиятни зўрлик билан ўзгартириб, халифалик қуришга ундаган. Улар билан биргаликда ўқув муассасалари атрофи ва бошқа жамоат жойларига яширин тарзда жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибига таҳдид соладиган, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигига путур етказадиган, ўзаро адоват, муросасизлик ва нифоқ келтириб чиқаришга қаратилган жирканч варақаларни тарқатган.

Илҳом Умаров 2001 йил январ ойи охирларида ўз уйида сақлаб келаётган ғоявий бузуқ китоб-варақаларни Давлатобод туманидаги, 4-ерости йўлакчасига яширишга чоғида туман ИИБ ЖҚБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд мажлисида у содир этган жиноятини тўла тан олди ва қинғир ишидан пушаймон эканлигини айтди.

Тинчлик ёқмаган ношукурлардан яна бири Баҳодир Мамажоновдир. Бу кимса шаҳарнинг "Тахтакўприк" маҳалласида истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишламаган. Баҳодир юқорида номи келтирилган жиноятчи Илҳом Умаров билан уйдирма варақаларни тарқатиш юзасидан тил бириктирган. Жумладан, у шу йилнинг 22 март куни варақаларни тарқатиш учун уйчилик Б.Тожибоев ва Илҳом Нўъмоновларга беради. Қолганини ўзи шаҳарнинг Уйчи, Норин, Қизилравот кўчаларида, "Дўстлик" ва "Сардоба" бозорларида тарқатиб чиқади. Бу ҳам камлик қилган шекилли, ақидапарастлар таъсирига берилган гуруҳга ўз уйида йиғилишлар ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берган. Ўзи ҳам бузғунчиликни тарғиб этган. Судда Баҳодир ватанфурушлик йўлида содир этган жиноий ҳаракатларини бўйнига олди. Қилмишидан пушаймон эканини айтди.

Мустақиллик халқимизга беҳисоб неъматларни ато этди. Ана шулардан бири диний эътиқод, миллий урф-одатларимизнинг қайта тикланганлигидир. Юқорида номлари қайд этилган кўрнамаклар эса ана шу эркинликнинг қадрига етишмади. Ул

«ПОЛВОНТОШ»НИ КИМ КЎТАРАДИ?



Биргина номининг ўзиёқ эртаклар томон етаклайдган Бойсун туманининг жануби, Кофирун қишлоғининг этагидаги адирда, йўлнинг четида одамлар «Полвонтош» деб атайдиган кўшоллар замонидан қолган оппоқ нақшинкор тош бор. Ривоят қилишларича, паҳлавонликка даъвогар киши бу тошни азот кўтариб, етти қадам юриши керак.

Қизиқ томони шундаки, бу тошни ҳақиқий паҳлавон кўтарса, ерда оёғидан из қолмас экан. Агар уни ўзини зўрабор ҳисоблайдиган манманситаган одам кўтарса, ерда унинг оёқ излари аниқ қоларкан. Бу тош ҳалиям ўз жойида турибди. Тошнинг атрофида эса... оёқ излари жуда кўп. Мақолимиз эса «полвонтош» ҳақида эмас, балки шу кунимизнинг ташвишлари, ижир-чижирлари ҳақида ва афсуски, ривоят эмас!

Аризадан кўчирма:

«...Биз Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрамини қувонч билан кутаётган эдик.

Бойсун туман халқ таълими бўлими мудири тумандаги барча ногирон ўқитувчиларга «Байрам совғаси» тайёрлади. У ўзининг 27.08.2000 йилги 374-хати билан 1 сентябрдан бошлаб 2-гуруҳ ногирон ўқитувчиларга дарс берилмасин деб топшириқ берди. Бунинг устига уларни ишдан бўшатиш ҳақида кадрлар бўлими бошлиғи Янгибоевга ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашни буюрди».

Биз мазкур ариза юзасидан ҳуқуқшуносларга маслаҳатлашдик.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 220-моддасига асосан 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари меҳнатига ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган муддати белгиланган экан. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги Пленуми қарорининг 28-бандида: **«...Агар ходим унга топширилган ишни уддаласа, тиббий хулосага кўра соғлигининг ёмонлашуви, шунингдек, ногиронлик берилиши Меҳнат кодексининг 2-қисмининг 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди»**, - деб изоҳ берилган. ХТБ мудиридан жабр кўрган бойсунлик 30 нафарга яқин ўқитувчилар эса асосан олий ва 1-тоифа мураббийлари ва улар ўз вазифасини намунали бажаришга лаёқатли.

Буниси ҳам майлику-я. Бойсун туманидаги мактабларда вилоятдаги бошқа мактаблар каби ҳозирги кунда ўқитувчилар етишмаслиги қайд этилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ташаббуси билан бу камчиликни бартараф этиш учун тадбир белгиланиб, вилоят бўйича 376 нафар нафақадаги малакали ўқитувчилар шартнома асосида мактабларга ишлаш учун жалб қилинган. Бойсун туман ХТБ мудири бўлса, 30 нафарга яқин малакали ўқитувчиларни ўз севган ишларидан четлатиб, тумандаги мураббийлар «дефицити»ни кўпайтирмоқда. Туман халқ таълими бўлими мудири Абдулатиф Норқуловнинг қонунга хилоф бу «ташаббуси»ни Президентимизнинг ногирон фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги бир қатор қарор ва фармонларини билмаслиги ёки била туриб, билмасликка олиши, яъни қонунларни менсимаслиги оқибати, десак, хато қилмаймиз.

Бундай ноқонуний ҳаракатни содир этишнинг сабаби нима билан изоҳланади?

Шу ўринда туман халқ таълими бўлими фаолиятидаги айрим ҳолатларга назар ташлаб ўтишни лозим топдик.

Бойсун туманида 8 та болалар боғчаси халқ таълими бўлимига қарайди. Табиийки, бу боғчалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши шарт. Бу иш туман давлат таъминоти корхонасига юклатилган. ХТБ мудири Абдулатиф Норқулов эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги **«Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарорини четлаб ўтганча, Бойсун давлат таъминоти корхонаси билан отанг мироб бўлса ҳам даҳна бошида ўтир, қабилида алоқани шартта узиб ташлади. Сўнг тумандаги «Лаззат» хусусий фирмаси ва турли хусусий кичик корхоналардан озиқ-овқат маҳсулотларини ола бошлади. Ажабланарли томони шундаки, давлат таъминоти корхонасидаги озиқ-овқатлар ХТБ муомала қилаётган хусусий фирмадаги нахр-навога нисбатан анча арзон. 2001 йилнинг биргина июл ойида ХТБ омборидаги кирим-чиқим ҳисоботига назар ташлаб, бунга амин бўлдик. Масалан, давлат таъминот корхонасида июл ойида 1 кг пиёз 56 сўм, картошка 112 сўм, сабзи 112 сўм, пахта мойи 472 сўм, макарон 223 сўм, шакар 398 сўмлик нархда турибди.

Туман халқ таълими бўлими «Лаззат» хусусий фирмасидан сотиб олган ва кирим қилган маҳсулотларнинг эса нархи қуйидагича:

1 кг пиёз 200 сўм, картошка 160 сўм, сабзи 150 сўм, қунгабоқар мойи 1 литрлик шишада 860 сўм, макарон 280 сўм, қанд 440 сўм. Агар июл ойида 525 кг пиёз, 756,5 кг картошка, 379 кг сабзи, 65 шиша қунгабоқар мойи, 364 кг макарон, 101 кг қанд харид қилингани ҳисобга олинса, нархлар орасидаги фарқлардан келиб чиқадиган катта миқдордаги «ортиқча харажат» борлиги аён бўлади.

Бозор иқтисодиёти талабига биноан харидор товарни арзонроқ олишга интилиши керак. Харидорликнинг мантиқи ҳам шунда. Лекин биз ХТБ мудири А.Норқуловнинг бу мантиқсиз ҳаракатидан мантиқ қидирмадик. Чунки бундай ҳолларда мантиқ бошқа томонда бўлади...

Биз ўзимиз гувоҳ бўлган воқеалардан биламиз, хусусий фирмалар билан алоқа қилишнинг ўз «афзалликлари» бор. Фирма билан келишилса, товарнинг миқдоридан ҳам, сифатидан ҳам, қийматидан ҳам «уриб» қолса бўлади.

Биз бу гапларни асоссиз гапираётганимиз йўқ. Боғча муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлаш борасида Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг «аччиқ тажрибаси» бор. Ўтган йили Термиз шаҳар халқ таълими бўлимидаги 5 та болалар боғчасининг озиқ-овқат маҳсулотлари кирим-чиқими текширилганда, 26 миллион 49 минг сўм камомад аниқланди. Термиз шаҳар ХТБ мудири ва яна 5 нафар жавобгар шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, улар қонун олдида жавоб беришди. Афтидан Бойсун туман ХТБ мудири Абдулатиф Норқулов бу воқеалардан хулоса чиқармаган кўринади, шекилли.

Қаерда қонун бузилса, шу ерда адолатсизлик ва қинғирлик содир бўлиши аниқ. Ҳамма ҳам адолатсизликни ҳазм қилиб кетавермайди. Мақоламизнинг бошида келтирилган ривоятдан хулоса шуки, раҳбарликнинг оғир тошини кўтаришга бел боғлаган киши ўз вазифасини қонунлар асосида тўғри бажарсагина, унинг орқасида номақбул излар қолмайди. Раҳбарликни «полвонтош»га қиёс қилсак, тошни уддалаган кўтаради-да!

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

Таҳририятдан:

Узбекистонимиз истиқболини белгиловчи ёш авлоднинг таълим-тарбиясига ўта жиддий масала сифатида қаралаётган бугунги кунда айрим жойларда юқоридаги каби ҳолатнинг учраши кишини ўйга солади, албатта. Шу боис масалага дахлдор мутасаддиларнинг жавобларини кутиб қоламиз.

ЖИЛОВЛАРГА СИҒМАГАН ДАВР

Балоғат бекати

Болалар ва ўсмирлар билан иш олиб борувчи барча мутахассислар якдиллик билан шуни таъкидлашадики, инсон ҳаётида ўсмирлик даври энг мураккаб, энг бежилов босқич ҳисобланади. Айниқса, бу паллада ҳар бир ўсмирнинг руҳий дунёсида ўта жиддий ўзгаришлар юзага келади, ўзгача қизиқишлар, майл ва эҳтиёжлар пайдо бўлади.

Демак, ўсмирлик ёши таълим-тарбия учун ниҳоятда эътиборталаб давр эканлигини ҳисобга олиб, кенг жамоатчилик, ота-оналар, мактаб ва бошқа ўқув муассасалари ҳамкорликда боланинг талаб ва эҳтиёжларини фақат яхшилик ва эзгулик, тоза ва мусаффо ҳаёт сари йўналтиришга астойдил интилишлари керак. Акс ҳолда бу ёшдагилар орасида майда безорилик, ўғирлик сингари жиноятлар содир этувчилар сони янада ортиши эҳтимолдан холи эмас.

— Биз ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиб ишлаш натижасида яхши самарага эришаяпмиз, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи инспектори Олимжон Тойжонов, — шу йил давомида бу ёшдагилар орасида 13 та жиноят содир этилди. Ўтган йилнинг шу даврида эса бу рақам 30 тани ташкил этган эди. Жиноятнинг кескин камайишига туманимиз прокуратураси, халқ таълими бўлими, ҳокимиятнинг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла қўмиталари фаоллари ҳамда туман судининг ўзаро аҳиллик билан ҳамкорликда ишлашлари сабаб бўлди.

Ҳа, аҳиллиқда ҳикмат кўп. Халқимиз бежизга «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», дея ўз фарзандларини доимо иноқликка ундамаган. Ўсмирлик даври тарбиясида бирлашиб ҳаракат қилиш заруратининг боиси шундаки, бу ёшдагилар энди катталарга кўпам бўйсунишмайди. Ҳатто, ҳаёт тажрибаси эгаларининг фикр ва кўрсатмаларига танқидий муносабатда бўла бошлайдилар. Ўз фикрлари инобатга олинмаса, жаҳллари чиқиб, ўжарлик ва ҳатто қўполлик, кўрслик қила бошлайдилар. Оқибатда улар ўзлари ҳам сезиб-сезмай нотўғри йўлга қараб кета бошлашади. Бу ёшдагилар асосан майда безорилик ва ўғирлик содир этиб, жиноят кўчасига келиб қоладилар.

— Афсуски, — дейди инспектор, — ўсмирлар орасида «тунги капалаклар» ҳам бор. Шу йил давомида 3 нафар вояга етмаган қиз фарзандлик бўлишди ва ўз гўдакларидан воз кечиб, туғруқхоналарга ташлаб кетишди.

Шаҳардаги 148-ўрта мактаб ўқитувчиси Адиба Сайфутдиновнанинг фикрига қараганда, ўсмирлик даврида ўқувчиларнинг ўқитувчиларга бўлган муносабатларида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлар экан. Улар ўз устозларидан хато ва камчиликлар топишни, турли-туман, мураккаб саволлар билан «мот» қилишни, эринмай тортишишни хуш кўришаркан.

Демак, ҳоҳлаймизми, йўқми, ўзларича мустақил бўлишга интилаётган ўсмирлар билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, ёшлар руҳий оламини тушунган ҳолда муносабатда бўлишимиз зарур.

Улар ўртасида содир этилаётган жиноятлар тўғрисида гап кетганда эса бўш вақт масаласи кишини ўйга толдиради. Негаки, болалик давридан узоқлашган ўсмирни энди ҳар хил ўйинлар қизиқтирмайди. Дарсдан бўшагач, нима иш билан шуғулланишни билмай, боши қотади. Тўғри, у касб-ҳунар ўргатадиган турли тўгаракларга, спорт машғулотларига қатнашиши мумкин. Аммо, афсуски, бундай даргоҳлар ҳозирда ўз ишларини пуллик шаклга ўтказиб олишган. Ўсмирда эса ишлаб пул топиш имконияти ҳар доим ҳам йўқ.

Ҳа, ўсмирлик жараёни қийин давр. Бу пайтда катталар уларни бағрикенглик билан ўз давраларига чорлашлари керак, деб ўйлаймиз. Чунки, ўзининг вояга етганлиги катталар томонидан тан олиниши ўсмирнинг болаликдан катта ҳаёт сари тез ўтиб олишига ёрдам беради. Агар ўсмирлардаги жунбушга келиб турган интилиш ва куч-ғайратни намоён этиш учун тўғри йўл топиб берилмаса, у баҳорнинг тошқин селидек кўпгина нохуш кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда айни даврда мактабдан ташқари иш олиб борувчи тўгараклар, спорт машғулотларини бепул қилиб қўйиш чора-тадбирлари ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, бугунги ёшлар эртанги истиқболимиз эгалари. Уларнинг ҳаёти, интилишлари билан қизиқиш ва етарли шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун»
мухбири

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Аёл қўлида чақалоқ билан турма эшиги олдида эрини кутиб оляпти. Эри уч йиллик қамоқ жазосини ўтаб чиқяпти. Хотинини кўриб сўрайди:

— Бу сенинг болангми?

— Ҳа. Агар сен ёмон ишларни қилиб юрмаганингда сеники ҳам бўлиши мумкин эди...

* * *

Эр-хотин жанжаллашиб қолишибди. Эр ишдан келиб, стол устида ётган ёзувни ўқибди: "Тушлик овқат "Ошпазлик китоби"нинг 215-бетида, кечки овқат 317-бетда".

Дунё қонунлари тарихи

НИКОҲ ВА ОИЛА

Агар инсониятнинг кечмиш тарихига назар ташласак, ҳамма даврларда ҳам никоҳ, оила масалаларига алоҳида эътибор ва масъулият билан қаралганига гувоҳ бўламиз. Энг муҳими, қадимги даврларда ҳам никоҳ ва оила масалалари қонун кучи билан мустакамланиб қўйилгани ҳам шу фикрнинг исботидир.

Албатта, чуқурроқ фикр юритсак, никоҳ ва оила бежизга улуғланмагани, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир халқ, элат унга ўз шаъни деб қараганига амин бўламиз.

Масалан, қадимги Вавилон (Бобил) давлатида оила ва никоҳ муносабатлари подшо Ҳошурабби кодексининг 3-китобида ўз ифодасини топган. Бу кодексга асосан никоҳдан ўтиш шартнома асосида амалга оширилган. Бусиз ҳар қандай никоҳ ҳақиқий деб ҳисобланмаган.

Шу билан бирга тўй арафасида икки томон бир-бирига қалин бериш ва совға олиш энг яхши урф-одатлардан саналган. Бу урф-одатга асосан қуёв бўлажак қайнотасига қаллиқ учун тўлов-тирхат, шунингдек, келиннинг оила аъзоларига совға-библу берган. Келин эса ўз отасидан тўй совғаси-шерикт олиши лозим бўлган. Оилада отанинг ўрни устун саналган.

Қадимги Ҳиндистон тарихига назар ташласак ҳам, оила ва никоҳ масалалари энг аввало, қонун йўли билан мустаҳкам қўйилганини кўрамиз. Буни эрамизга қадар III асрда тузилиб, амалга жорий этилган Ману қонунлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ману қонунлари 12 боб, 2685 - моддадан иборат бўлган.

Ману қонунларида энг аввало, оилада эрнинг ҳукмронлиги қайд этилиб, аёл киши доимо унинг ҳомийлигида бўлиши таъкидланган.

Шунингдек, зарурат туғилганда, никоҳни бекор қилишга фақат эркак кишининг ҳоҳиш-иродаси кифоя қилган. Албатта, бунинг учун жўяли сабаб бўлиши керак. Масалан, хотин уни ёмон кўрса, саккиз йилга қадар фарзанд кўрмаса, 10 йилдан сўнг ўлик бола туғилса, ўн бир йилдан сўнг қиз бола туғилса, никоҳни бекор қилишга рухсат берилган. Эркаклар учун 24, аёллар учун 8 ёшдан бошлаб никоҳга кириш қонуний белгилаб қўйилган.

Қадимги Римда оила ва никоҳ муносабатларига доир меъёрлар 450-йилларда амалда бўлган XII жадвалдан иборат қонунларнинг VI жадвалида ўз ифодасини топган.

Бу қонунга кўра, никоҳнинг икки тури амалда бўлган. Буларнинг биринчиси —Кум Ману, яъни хотин кишини эрнинг мулки сифатида қаралган, унинг инон-ихтиёрига тўла бўйсунган. Никоҳнинг иккинчи кўриниши, яъни Синемануда бунинг аксини кўриш мумкин. Агар хотин эрнинг инон-ихтиёрига тўла ўтишни истамаса, у бир йилда 3 кун эрининг уйидан чиқиб кетиши ва эрининг ҳокимлик қилишини бир йил узайтириши мумкин бўлган.

Францияда эса оила ва никоҳ муносабатлари асосан черков ҳуқуқи ва одатлари, яъни қутюмлар билан тартибга солинганини кўрамиз. Бунга кўра никоҳдан ўтиш эркаклар учун 13-14 ёш, қизлар учун 12 ёш қилиб белгиланган. Бунинг устига никоҳдан ўтиш учун энг аввало, ота-онанинг розилигини олиш керак бўлган.

Фақат кейинчалик бу тартибга бироз ўзгартириш киритилган. Яъни 1639 йил Людовик XIII ордонаси қабул қилинган. Бунга кўра ота-онанинг розилиги фақат 30 ёшга тўлмаган ўғиллар ва 25 ёшга тўлмаган қизлар учун жорий қилинган.

Шу билан бирга эр-хотин бир-бирининг вафотидан сўнг ворис ҳисобланмаган.

Қадимги Византияда эса оила-никоҳ масалалари православ черкови ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиниб келинган. Никоҳдан ўтиш эса йигитлар учун 14, қизлар учун 12 ёш, деб белгиланган. Шу билан бирга уч мартага қадар никоҳдан ўтиш мумкин бўлган. Аммо бева аёллар белгиланган муддатни ўтмай туриб, иккинчи никоҳга кирса, қаттиқ жазоланган. Энг муҳими, Византияда оила ва никоҳ қонунчилиги моҳият-эътибори билан эр ва хотиннинг ўртасидаги тенгсизликни тугатишга қаратилгани билан катта аҳамият касб этади.

Никоҳни бекор қилиш учун эса қуйидагилар асос бўлган:

— эр ёки хотиннинг давлат жиноятларида айбланиши;

— эр-хотиннинг бир-бирининг ҳаётига суиқасд қилиши;

— ижтимоий ва мулкий тенгсизлик;

— қонунда назарда тутилгани каби никоҳдан ўтмай туриб, эр-хотинлик муносабатларида бўлиш;

— эр ёки хотин бир-бирига хиёнат қилса, никоҳ бекор қилинган.

Шу билан бирга Византиянинг оила ва никоҳ ҳақидаги қонунида озод киши билан қуллар ўртасидаги никоҳ ҳақиқий эмас, деб қайд этилган. Колон мақомидаги кишилар билан ҳам оила қуришга қонун йўлга қўймаган.

Ўндан ташқари барча қариндошлар, насроний-лар билан яҳудийлар ва туманларда маъмурий лавозимларни эгаллаб турган кишилар билан шу ҳудудда яшайдиган аёллар ўртасидаги никоҳлар ҳам таъқиқланган.

Қадимги Япония қонунчилигида ҳам оила ва никоҳ муносабатлари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қонунга асосан никоҳ ёши йигитлар учун 15, қизлар учун 13 ёшдан юқори қилиб белгиланган. Яна эътиборли жиҳати шундаки, қизни турмушга узатишда ота-она, бобо-буви, умуман айтганда, қариндош-уруғнинг рози-ризолиги олиниши шарт бўлган. Никоҳ эса қуйидаги ҳолларда бекор қилинган;

— аёл фарзанд кўрмаса;

— эрига бевафолик қилса;

— қайинота ва қайнонасига итоат этмаса;

— ғийбатчи бўлса.

Бундай ҳолларда эр тегишли ҳужжатни тузиб, икки томоннинг, яқин қариндошларнинг тасдиғи билан никоҳни бекор қилиш мумкин бўлган ("Кемму йиллари Кодекси", VIII қонун, 28-модда).

Дунё цивилизациясида алоҳида ўрин тутган қадимги Афинада ҳам оила ва никоҳ муносабатларига алоҳида эътибор билан қаралган. Энг аввало, бу муносабатлар VI асрдаги Салон қонунларида ўз ифодасини топган. Қизиқ томони шундаки, бу қонун 16 ёғоч тахтага ёзиб қолдирилган.

Албатта, бу қонунда оилани муқаддас дея эътироф этилиши таҳсинга сазовор. Лекин унда бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, хурофотдек туюладиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бу қонунга кўра оилада аёллар ҳамда болалар бирон бир ҳуқуқа эга бўлмаган. Оиланинг бутун изму ихтиёри отанинг зиммасида бўлган.

Биз юқорида қадимги хорижий давлатларда оила муносабатлари, бу борада амалга жорий этилган қонунлар маъно-моҳияти хусусида мухтасар фикр юритдик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, оила, никоҳ масалалари барча замонларда ҳам ўзининг эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир миллат учун қадрли саналган.

Саломат НИЁЗОВА

ИШОНГАН ТОҒНИНГ КИЙИГИ

Сирдарёлик Алимурот Ражаббоев 1992 йили уч фарзанднинг онаси бўлган Рузания Шокирова билан расмий никоҳсиз яшай бошлади. Улар тадбиркорликдан жамғарган пулларига 1997 йили "Жигули" енгил автомашинасини сотиб олишди. Машина Рузания Шокирова номига расмийлаштирилди. У 1998 йил 24 апрелда машинани бошқариш учун А.Ражаббоевга уч йил муддатга ишончнома ёзиб берди. 1999 йил эса у оғир касалликдан вафот этди. Шундан сўнг Алимурот Ражаббоев қандай қилиб бўлмасин, машинани ўзининг номига ўтказишни ўйлай бошлади ва чорасини топди. У ишончномага "сотиш ҳуқуқи билан" деб ёзди-да, автомашинани 2000 йил 10 январ куни сотиб юборди. Машинанинг яширинча сотилганини эшитган меросхўрлар — марҳуманинг фарзандлари Асхат, Люция ва Зубайда, олти ойдан сўнг мерос ҳуқуқини тиклаш ва автомашинани онанинг меросхўрлари сифатида ўзларига қайтариб олиб берилишини сўраб судга мурожаат этишди. Сирдарё туман суди 2001 йилнинг 22 июн куни ушбу масалани кўриб чиқиб, меросхўрларнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида қарор чиқарди. Ана шундагина қандай қилиб автомашина янгиерлик Али Исроиловга сотилган, деган савол кўндаланг бўлди.

Маълум бўлишича, А.Ражаббоев Гулистон шаҳар 1-нотариал идораси нотариуси Мастура Эминова билан тил бириктирган экан.Жавобгар сифатида қатнашган нотариуснинг суд мажлисида ўзини оқлашга уриниши фойда бермади. У ўз айбини бўйнига олишга мажбур бўлди.

Бу ёқда эса автомашинани сотиб олган янгиерлик А.Исроилов ҳам қараб турмади. Суд чиқарган ҳукмни билатуриб, автомашинани қонуний меросхўрларга қайтариш ўрнига унинг давлат белгисини ўзгартириб, Рахмонқул Ўрозалиевга сотиб юборди. У янги давлат белгиси олиш учун Янгиердаги 2-давлат нотариати ва ДАН ходимларини қандай кўндиргани жумбоқлигича қолди.

Меросхўр даъвогарлар Янгиер шаҳар 2-давлат нотариал идораси томонидан 2001 йил 5 феврал куни А.Исроилов ва Р.Ўразалиев ўртасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ноқонуний, деб топиб, бекор қилишни сўраб яна судга мурожаат этишди. Гулистон туманлараро фуқаролик суди мажлиси А.Исроиловдан даъвогарларга 450 минг сўм ундириб берди. Автомашина билан боғлиқ бўлган иш шу тарзда якун топди. Аммо ноқонуний иш юритган нотариусларнинг ўз касбларига доғ туширгани кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Чунки улар бу қилмишлари билан халқимизнинг "ишонган тоғда кийик ётмас" деган мақолини ёдга солишган эди-да!

А.ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

МЕҲР КЎЧАСИДАН ЎТМАГАНЛАР...

Ота-она тирик бўлса-ю, аммо бола меҳрибонлик уйида яшаса... Бунинг устига меҳр кўчасидан ўтмаган тошбағр ота-она лоақал бир марта ўз боласининг аҳволидан хабар олмаса... Албатта, бунга ишониш қийин. Лекин ҳаётда шунақаси ҳам учрар экан. Пахтаобод туман прокуратураси томонидан 31-меҳрибонлик уйида текшириш ўтказилганда, ана шундай ҳолатлар аён бўлиб қолди.

Буни қарангки, меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар сони 257 нафарни ташкил этса, шундан 196 нафар боланинг ота-онаси ҳаёт экан. Шулардан 187 нафарининг ота-онаси ажрашган, оила бузилган. Икки ўртада эса бегуноҳ болалар сарсон-саргардон...

Албатта, бу болалар бугун давлат қарамоғида, ҳеч нарсадан камчилик сезмай, яйраб-яшнаб улғайишмоқда. Давлатимиз уларни тўла ўз муҳофазасига олган. Бу албатта, яхши. Аммо кишини бошқа бир нарса ўйга солади. Бу ҳам бўлса, меҳрибонлик уйининг остонасини босиб, бир марта фарзандининг аҳволидан хабар олмаётган ота-оналарнинг хатти-ҳаракати.

Бола учун ота-она меҳри ҳамма нарсадан устун эмасми?! Ота-она меҳрига қонмай ўсган фарзанднинг кўнгли бир умр ўксик бўлиб қолмайдими? Бунинг устига Бош қомусимиз — Конституцияда **"Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"**, — деб ёзиб қўйилган.

Конституцион бурчини бажармаётган, ўз фарзандларидан юз ўгирган ота-оналарга нисбатан туман прокуратураси даъво аризаси билан чиқди. Натижада ана шундай фарзанди олдида ўз бурч ва мажбуриятларини унутиб қўйган ота-оналарнинг иши судда кўриб чиқилди.

Пахтаобод туманида истиқомат қилувчи Мавлудахон ва Бозорбой Холиқовлар 1996 йил Ҳуршидбек ва Ҳаётбек исмли фарзандларини меҳрибонлик уйига жойлаштиришган. Аммо шундан буён бирор марта ҳам уларнинг ҳолидан хабар олишмаган. Энди болаларни тирик етим қилиб, меҳрибонлик уйига ташлаб қўйган бемеҳр ота-оналар ҳар ойда топган даромадининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундириладиган бўлди.

Афсуски, бундай дийдаси қаттиқ, бағритош ота-оналар оз эмас. Избоскан туманида яшовчи Сойиб Деҳқонов ва Муқаддас Абдураззоқоваларнинг 1987 йилда туғилган Нурилло, 1990 йилда туғилган Бобохон исмли ўғиллари меҳрибонлик уйида яшайди. Лекин аслида ўзига тўқ, тижорат дўконлари бўлган, кунда қўлида пул ўйнайдиган бу ота-оналар болаларидан хабар олишга ярашмайди. Андижон шаҳар, Қўшарик даҳасида яшовчи Назиржон Абдуллаев "Дамас"чи бойлардан, хотини Матлуба Баҳромова уй бекаси. Улар ҳам Ойсанам ва Азизбек исмли гулдек фарзандларини меҳрибонлик уйига топшириб, ялло қилиб юришибди. Қўрғонтепа туманидан Арофатхон Бадалова ҳам деҳқон-фермер хўжалик раҳбари экан. У Матлуба ва Жасурбекларнинг онаси. Бу ўзларига тўқ, қўлида пул ўйнайдиган, хотин йўлда, бола белда, деб уйлайдиган, ўз пушти камаридан бўлган азиз фарзандларига нисбатан бағритош ота-оналарнинг кавуши тўғрилаб қўйилди. Уларнинг ҳаммаси фарзандлари учун меҳрибонлик уйи ҳисобига алимент тўлайдиган бўлишди.

Албатта, кун келиб бир кун бундай ота-оналар ўз қилмишлари учун пушаймон бўлиши турган гап. Чунки бугун меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар эртага ўсиб-улғайишади, мустақил ҳаётга қадам қўйишади. Шунда бугун бағритошлик билан ўзларини четга тортган ота-она уларнинг юзига қандай қарайди?!

Ахир, халқимиз тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деб бежиз айтмаган.

Латифжон КОМИЛОВ,
Избоскан туманлараро фуқаролик судининг раиси



Бахтли болалик!

Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нўрмейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2843. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Д. МУҲАММАДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ЯХНЯЕВА,
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.